СССР Давлат матбуот комитети
Давлат архивлари ва статистика бошқармаси
12 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 70 (20. 937) 1991 йил 11 апрель пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ СЕПИНИ ЁЙМОҚДА

ОРЗУ ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМ

Ромитан районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги ўтган йилни қарийб 8 миллион сўмлик умумий даромад билан якунлади. Бунинг асосий қисми пахтадан.

Хамир учидан патир, — деганларидек жамоа олинган даромад ҳисобидан пахта қабул пункти қуришга киришди. Завод эса уни асбоб-ускуналар билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

1990 йил бошида пахта тозалаш заводи директори Азизжон Абдураҳмоновнинг ташаббуси билан корхонанинг барча қабул пунктлари хўжаликлар ихтиёрига берилди. Бу тадбир билан пахтакор ва пахта тозаловчи ўртасидаги кўп йиллик фойдасиз тортишувларга нуқта қўйилди.

Шериклар ўртасидаги алоқанинг бу янги шакли кўпгина ортиқча харажатлар, суиистеъмолликларга чек қўйишга имкон берди. Ҳосилга барака қўшилди. Ромитанликлар ўтган йили 46 минг тоннадан зиёд пахта етиштиргандилар. Унинг ҳаммаси шу корхонада қайта ишланмоқда. Шу сабабли хўжаликларнинг пахтачиликдан даромади деярли икки бараварга кўпайди.

Сирасини айтганда, маҳаллий селекционер-олимлар кашф этган «Бухоро — 6» нави вилоят далаларига кўпроқ экиляпти. Унинг шарофати билан вилоят деҳқонлари етиштирган ярим миллион тоннадан кўпроқ ҳосилнинг 85,5 фоизи биринчи ва иккинчи сортларга қабул қилинди.

Бу йил 154 минг гектар майдоннинг 132 минг гектарида яна шу нав чигит ундирилади.

Бозор иқтисодиётидан деҳқоннинг орзу-умидлари катта. Эл маъмурчилигининг манбаи ишбилармонликда эканлигини шу кунларда у, айниқса, чуқур ҳис этмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УРУҒ ЕТАРЛИ, ТЕХНИКА СОЗ

Қашқадарё вилояти деҳқонлари чигит экишга киришдилар. Аввало баҳор салқин келганлиги сабабли чигит экиш ўтган йилдагига нисбатан кечикаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бу ўз навбатида вақтдан ва техникадан омилкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Ғузор район колхоз ва совхозларида вақтдан ютиш мақсадида бу иш жадаллик билан бошлаб юборилди. Райондаги «Партия XXII съезди» колхозида бир кунда 110 гектар ерга барака уруғи қадалди. Хўжаликда 13 та сеялка ишлатилмоқда. Ижара ва коллектив пудрати асосида ишлаётган Р. Файзиева, Қ. Раҳматуллаев, Ҳ. Ҳазратқулов, Т. Лақаев бошлиқ бригадаларда чигит агротехника қоидалари асосида экилмоқда.

Хўжалик меҳнат аҳли барча имкониятларни ишга солиб, қисқа вақтда 1220 гектар пахта майдонига чигит экиб, уни ўз намига ундириб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлашган.

Чигитни соз ва сифатли экишда М. Ҳасанова номли совхоз заршунослари ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Дастлабки кунларданоқ Х. Ҳушвақтов бошлиқ бригада 36 гектар, А. Ашуров бошлиқ бригада 32 гектар, Х. Аҳмедов, Р. Аҳмедов бошлиқ бригадалар 30 гектардан ерга барака уруғи экдилар.

Райондаги «Халқобод», К. Маркс номли, Гагарин номли жамоа хўжаликлари, «Рассвет», «Дружба» совхозларида ҳам етилган майдонларга уруғ ташланмоқда. Умуман ғузорлик пахтакорлар мавжуд 13 минг 100 гектар майдонга 13 кун ичида чигит ташлашга қарор қилдилар. Бунинг учун 200 га яқин сеялканинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Вилоятнинг Шаҳрисабз, Нишон, Косон, Ульянов ва У. Юсупов районлари механизаторлари экиш агрегатларини далаларга олиб чиқишди.

Бу йил вилоятда 211 минг гектар майдонга чигит экиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун уруғ етарли, техника соз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хоразм вилояти. Вилоятда биринчи бўлиб экиш агрегатларини далага олиб чиққан Янгибозор районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги далаларида чигит экиш қизғин. Айниқса, Ражаб Аҳмедов бошлиқ бригада деҳқонлари бу ишда пешқадамлик қилмоқда. Дастлабки кун хўжаликнинг оқсоқоллари механизаторларга оқ йўл тилашди. Карнай-сурнай садолари остида Қуронбой Содиқов, Қуронбой Қорабоев ва Шукрулло Тожимов ўз агрегатларини далага олиб киришди. Уша куни ҳар бир механизатор 7—8 гектардан майдонга чигит қадади.

Суратларда: 1. Ёш южарачилардан Сайёра Ражабова ва Жамила Матёқубова. 2. Оқсоқоллардан Ҳалиммат бобо Содиқов (чапда) ва Оқмурод бобо Эшимбетов анъанага кўра экишни бошлаб беришди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ туширган суратлар. (ЎзТАГ).

БАҲСЛАРНИ ЙИҒИШТИРИБ ҚЎЙИБ, АМАЛИЙ ИШГА КИРИШАЙЛИК

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

● 9 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда мамлакат тақдирига, унинг барча фуқаролари ҳаётига дахлдор жуда муҳим муаммолар кўриб чиқилди. 17 март куни бўлиб ўтган СССР референдуми якунлари, иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганлиги жумҳуриятларнинг, Совет давлати ва ҳукуматининг раҳбарлари иштирокида батафсил муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев мажлисни оча туриб бундай деди: бугун Федерация Кенгашида қуйидагилар қатнашмаяпти. Ельцин татилга чиққан. Гамсахурдиа жумҳуриятидаги вазият мураккаблиги сабабли, Снегур бетоблиги, Горбунов бетоблиги сабабли кела олмади, Ландсбергис мажлисда ўзининг иштирок этишини зарур деб ҳисобламади, Рютель ҳам ўзининг ҳозир бўлишини зарур деб ҳисобламади. Биз иш бошлашимиз мумкин деб ҳисоблайман. Ҳозирги вазият ҳақида аниқ-равшан ва рўй рост гапириб ўтишни ғоят муҳим деб ҳисоблайман.

Гап турмушимизнинг негизлари ҳақида бормоқда, бу эса ҳар қандай фикрлардан, сиёсий ҳаракат дастурларидан юқоридир, бу ўринда шахсий иштиёқлар ва гуруҳ манфаатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳозир бундай вазиятнинг сабабларини таҳлил этишга киришмоқчи эмасман. Бу ўринда ҳамма нарса — ўтиш даврининг қийинчиликлари, марказий, жумҳурият, маҳаллий идораларнинг хатолари, ўтмишдан бошланган муаммолар қоришиб кетган.

Аҳвол мана шундай, бунинг сабабларини биз таҳлил этиб чиқдик, бу таҳлилни давом эттириб, келажак учун сабоқ олиш керак. Аммо ҳозир жанжалларни бир чеккага суриб қўйиб ҳаракат қилиш, ҳаракат қилганда ҳам яққа-ёлғиз эмас, балки жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштириб зудлик билан ҳаракат қилиш лозим. Мамлакатнинг фалокатга гирифтор бўлишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиш керак.

Вазиятни мана шундай тушунишга асосланиб, яқин вақт ичида бир қанча қатъий чораларни амалга ошириш зарур бўлади.

Биринчидан, Совет давлатини сақлаб қолиш ва янгилаш тадбирларини кўриш лозим. Халқ 17 мартдаги референдумда мана шу тақдирга дахлдор бўлган ҳаётий муҳим масала хусусида ўз фикр-иродасини билдирди. Ў ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўкис таъминланадиган суверен жумҳуриятларнинг янгиланган федерацияси бўлмиш ССР Иттифоқи учун овоз берди. Референдум якунларини ўзгартиришга, айниқса, унинг натижаларини инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Энди бизнинг қўлимизда меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, референдум маъқуллаган қоидалар асосида Иттифоқ давлатини янгилаш ва мустаҳкамлаш юзасидан изчил қатъий сиёсат ўтказиш учун халқнинг ваколати бор.

Янги Иттифоқ шартномаси тузилгунга ва янги Конституция қабул этилгунга қадар бизда қонунийликни ва бошқарув системасини мустаҳкамлаш, назоратни ва мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтириш соҳасида амалий иш қилиш учун асос бор. Шу негизга таяниб, аслида, жуда ўта кетган қонунсизлик бўлган «қонунлар уруши» деб атлаган «уруш»ни дарҳол тўхтатиш керак.

Яқин вақт ичида янги Иттифоқ шартномасини пухталаштириб, сўнгра уни имзолаш лозим. Эълон қилинган лойиҳани жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари ва СССР Олий Кенгаши сессияларида муҳокама қилиб, уни узил-кесил келишиб олиш зарур.

Шартноманинг имзоланиши Иттифоқ ва жумҳурият идораларининг вазифаларини фарқлаб қўйишга қонуний асосда киришиш ва шу тариқа баъзан ҳокимиятни ўзбошимчалик билан босиб олишни, беҳуда мунозараларни эслатадиган, ишончсизликка, гумонсирашга, нуқтаи назарларни қарамақарши қўйишга олиб борадиган, пировард натижада жамиятга, одамларга зарар етказадиган, ишга халақит берадиган ҳозирги жараёнга чек қўйиш имконини беради.

Бу эса янги Конституцияни тайёрлаш ишини ниҳоясига етказишга киришишга йўл очади, унинг лойиҳаси кейинчалик СССР халқ депутатларининг Съездида кўриб чиқилиши, сўнгра эса, эҳтимол, ялпи муҳокамага қўйилиши керак бўлади.

Иккинчидан, ижроия ҳокимиятнинг қуйидан юқоригача тенг ҳуқуқда тобелигини дарҳол тиклаш, юқори идораларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан уларнинг қарорларини бажармаганлик учун ижроия идоралари ва мансабдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий, маъмурий ва иқтисодий жавобгарлик чораларини кўриш лозим. Бу ўринда ҳам тўла равшанлик бўлиши керак, демократия, мустақиллик байроғи остида мустақилликнинг ўзига, Иттифоқ давлатига, демократияга зарба урадиган, ўзгартишларнинг бутун йўлини шубҳа остига қўядиган жараёнлар авж олишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини тартибга соладиган қонунлар қабул этилишини қисқа муддатда ниҳоясига етказиш, улар системасининг бирлигини сақлаб қолиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак.

Учинчидан, миллатлараро можароларнинг давлат учун хатарли эканини эътиборга олиб, шу можароларга жалб этилган барча томонларга зўравонликни дарҳол тўхтатиш, ғайриконституциявий ҳужжатларни, миллий белгига қараб фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклашларни бекор қилиш ҳамда ўзаро мақбул сиёсий ечимларни излаш учун музокара бошлаш таклиф қилинсин. Шу йиллар давомида йиғилиб қолган ҳамма муаммоларни бартараф қилиш лозим. Бундай қилиш унчалик осон эмас, бироқ олий манфаатлар ҳаракат ва ҳулқ-атворнинг айни мана шундай мантиқини тақозо этади.

Тўртинчидан, мамлакатдаги вазиятни издан чиқаётган иш ташлашлар, митинглар ва бошқа сиёсий ҳаракатлар йил охиригача тўхтатиб турилиши эълон қилинсин.

Иқтисодий соҳада ишлаб чиқаришнинг бундан буён пасайишига, хўжалик алоқаларининг узилишига йўл қўймаслик юзасидан зудлик билан чоралар кўрилиши керак. Вазирлар Маҳкамаси шу иш билан шуғулланди, келишиб олинган ва жумҳуриятларнинг вакиллари имзолаган қарор бор. Президентнинг шу масалага оид Фармонининг амал қилиш муҳлати йилнинг II—IV чоракларига узайтирилсин, энг муҳими эса — базавий тармоқларнинг ишига тааллуқли бўлган қарорлар ва 1991 йилги иқтисодий битимда ёзиб қўйилган ҳамма чора-тадбирлар бажарилсин. Бу қарорлар ва чора-тадбирларни ҳар бир жумҳурият бажариши лозим, акс ҳолда ҳамма нарса ҳеч кимга кераксиз сафсатага айланиб қолади, бу эса одамларнинг асабини бузиб, норозилигига сабаб бўлади. Халқ қабул этилган қарорларни эътиборсиз қолдириш, уларнинг бажарилиши учун ташкилотчилик иши ва масъулият бўлмаслиги каби иш услубига қатъиян қарши чиқмоқда.

Жумладан, маҳсулотни жумҳуриятлар, вилоятлар, ўлкалар чегарасидан олиб чиқишни чеклаш юзасидан жумҳуриятлар, маҳаллий идоралар бундан аввал қабул қилган қарорлар бир ҳафта муддат ичида бекор қилиниши лозим деб ҳисоблайман. Агар шундай қилмасак, ҳеч нарса ўзгармайди. Агар бирон бир кимса ҳар бир тонна хусусида буйруқ бериб, Умумиттифоқ бозорининг субъектлари бўлмиш корхоналар хўжалик фаолиятининг ҳар бир масаласи юзасидан кўрсатма бериб, шу тариқа ўзларини дадил ҳис қиладиган бўлса, бу нарса ўзини-ўзи алдашдир. Бунда ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мазкур талабларни бажармасликда айбдор бўлган шахслар қаттиқ жавобгарликка тортиладиган, ҳатто эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланадиган бўлсин.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муҳимлиги эътиборга олиниб, колхоз ва совхозларни, қишлоқдаги бошқа товар ишлаб чиқарувчиларни, деҳқончилик-саноат мажмуи барча корхоналарини зарур ресурслар билан таъминлашнинг алоҳида тартиби жорий этилади. Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда, айниқса, ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарликларнинг қишлоққа ёрдамлашувига давлат даражасида кафолат берилади. Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигининг нарх белгилаш янги шароитида саноат билан ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан тенг муносабатларини сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани зудлик билан кўриб чиқсин. Бу масала эътибордан четда қолдирилса, лоақал бир ой кечиктирилса, иш шундай тус оладики, агар колхоз ва совхозлар ўтган йилни умуман салкам 38 миллиард сўм фойда билан якунлаган бўлсалар, шу йилнинг II чораги охирига бориб уларнинг ҳаммаси зарар кўрадиган бўлиб қолади. Ўлгуржи нархлар ўзгариши муносабати билан вужудга келган вазият мана шундай. Масала ҳеч пайсалга солинмай ҳал этилиши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раислигида жумҳурият вазирликлари, идоралари, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг Ўзбекистон умумхалқ ҳашарига тайёргарлиқ кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаши бўлди.

Жумҳурият Касаба уюшмалари федерацияси, Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамда жумҳурият Меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармасининг 1991 йил 20 апрель куни ҳашар ўтказиш ва шу куни ишлаб топилган маблағлардан ҳайрия мақсадларида фойдаланиш тўғрисида жумҳуриятимизнинг барча аҳолисига мурожаатномаси кўпгина меҳнат жамоаларида ва ўқув юртларида кенг қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, жумҳурият вазирликлари ва идораларига тармоқлар ва ҳудудларда тайёргарлик ишларини уюштирадиган, ҳашар ўтказиладиган куни одамларни иш билан таъминлайдиган муайян кишиларни ҳамма ерда аниқлаб чиқишни топширди. Ҳашарда қатнашадиган барча кишиларнинг юқори унумли меҳнат қилиши учун, айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий-маиший иншоотлар қурилиши, баҳорги дала ишлари, меҳнаткашлар яшайдиган ва ишлайдиган жойлардаги ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкламзорлаштириш ва уларни тозалаш соҳасида юксак унум билан меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида топшириқ берилди.

Вазирлар Маҳкамаси меҳнат жамоаларининг ҳашар куни ишлаб топилган маблағларни корхоналар ва ташкилотлар касаба уюшмалари комитетларининг махсус ҳисобига ўтказиш ҳамда уларни меҳнат жамоалари кенгашларининг қарорлари асосида кейинчалик хайрия мақсадларида, асосан аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлашда, болалар уйларида тарбияланаётганларнинг, ногирон болаларнинг, пенсионерлар ва ёрдамга муҳтож барча қарияларнинг овқатланишини ташкил этишда фойдаланиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Оммавий ахборот воситаларига жумҳурият ҳашарига тайёргарликнинг боришини ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш топширилди. Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитети ҳашар якунларини тезда чиқариши ва у ҳақда жумҳурият ҳукуматига ахборот бериши керак.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш, уларни рўйхатга олганлик учун йиғиладиган тўлов тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисида» қарор қабул қилди. Ў Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги «Ўзбекистон ССР Қонунини кучга киритиш тўғрисида» 1991 йил 15 февралдаги қарорига мувофиқ қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

Жамоат бирлашмалари уставларини Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги идораларида рўйхатга олганлик учун қуйидаги миқдорда тўлов олиниши белгилаб қўйилсин:

жумҳурият жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
халқаро жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
жумҳуриятлараро жамоат бирлашмаларидан	2000 сўм;
умумиттифоқ бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларидан	2000 сўм;
фаолияти маъмурий-ҳудудий тузилмаларга дахлдор бўлган жамоат бирлашмаларидан	1000 сўм;

Қорақалпоғистон МССР ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун тўлов миқдори Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

Ногиронлар, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва болалар жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш учун белгиланган тўлов миқдорининг 10 фоизи олинади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига ва унинг жойлардаги идораларига тегишли адлия идоралари билан келишган ҳолда бошқа жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун олинадиган тўлов миқдорларини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Жамоат бирлашмалари уставларини ўзгартириш ва қўшимча киритиш учун рўйхатдан ўтказиш тўловлари уларнинг уставлари рўйхатдан ўтказилаётганда тўланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида олинади.

Жамоат бирлашмалари уставларини ва уларда кейинчалик бўлган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов олиш миқдори қарорга мувофиқ жумҳурият бюджети даромадига белгиланган тартибда ўтказилади.

(Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини рўзноманинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

10 апрель куни Алишер Навоий юбилейини ўтказиш жумҳурият матбуот марказининг йиғилиши бўлди. Унда марказнинг иш тартиби ва унинг аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

1991 йил Навоий йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан буюк алломанинг бой ижодий меросидан аҳоли кенг табақаларини хабардор қилиш мақсадида матбуот конференциялари, илмий анжуманлар, учрашувлар ўтказиб туришга, теле кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлашга келишиб олинди.

МАТБУОТ МАРКАЗИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Навоийнинг республикамиз вилоятларида, қардош жумҳуриятларда, Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказиладиган 550 йиллик юбилейи тантаналарини кенг ёритиш йўллари белгиланди.

Йиғилишда чет мамлакатларда ўтаётган Навоий кунлари билан жумҳуриятимиз аҳолисини, бу борадаги ишларимиз билан эса ажнабий дўстларимизни хабардор қилиб туриш тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Буюк алломанинг юбилейи жумҳуриятимиз маданий ҳаётида ғоят катта аҳамиятга молик воқеадир. Бу борадаги фикр, таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги телефонлар орқали маълум қилишингизни сўраймиз: 33-16-22, 39-80-90, 44-32-33, 41-03-52.

(ЎзТАГ).

ОЛТИН ВА МУҚАДДАС БЕШИК

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа тарихдир. Биз кечаги кунимизни, ўтмишимизни, ота-боболаримиз, аждодларимиз яшаб ўтган ва қолдирган бой меросни сира унутмаслигимиз керак. Шундай экан, тарихимизнинг ўзига хос қирралари, қадриятларини ошкора, ҳаққоний ва рўй-рост кўрсатиш, у қандай рўй берган бўлса авлодларга шундоғича етказиш талаб қилинади.

Афсуски, бугунги кунда тарихимизни ўрганиш ва авлодларга етказишда ҳам бир талай муаммолар мавжуд. Рўзномамиз саҳифасида эълон қилинаётган давра суҳбати худди шу мавзуга бағишланган.

(3-БЕТГА ҚАРАНГ).

БАҲСЛАРНИ ЙИҒИШТИРИБ ҚЎЙИБ, АМАЛИЙ ИШГА КИРИШАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ободонлаштираётган саноат, қурилиш, транспорт корхоналарини рағбатлантирувчи қўшимча омиллар жорий этилмоқда. Ер ислоҳотининг натижаси келгуси йил ҳосилида кўзга ташланиши керак. Иттифоқ миқёсида ҳам ва билишимча барча жумҳуриятларда ҳам бу хусусда зарур қонунлар бор. Маҳаллий ҳокимият идоралари ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу қонунларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Бозорни мол билан мўлкўл таъминлаш биринчи галдаги вазифалигича турибди. Бу соҳада биз фавқулодда вазиятга биноан ва янгича тадбирларни амалга ошириб ҳаракат қилишимиз керак. Биринчи галда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган барча корхоналар учун имтиёзли тарзда пул билан таъминлаш ва имтиёзли солиқ жорий этилиши керак. Ишлаб чиқариш жамоалари қайси иш билан шуғулланмасинлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор бўлишлари керак. Ҳозир ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кетаётган кўп нарсалардан бозор фондларини тўлдириш учун фойдаланиш, мана шуларнинг ҳаммасини бозорга чиқариш, экспортни қисқартириш ва импортни кўпайтириш ҳисобига товар ресурсларини кўпайтириш лозим.

Тангликка қарши чора-тадбирлар бюджетни соғломлаштиришни, давлат камомадини қисқартириш йўлини қатъият билан ўтказишни, ҳар бир сўмдан фойдаланиш устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатишни ўз ичига олади. Биз бу йилги иқтисодий битимнинг бюджетга, солиқ системасига, барқарорлаштириш ва пенсия жамғармаларини вужудга келтиришга, банк системасининг фаолиятига таллуқли қисмининг бажарилиши қониқарсизлигига бундан буён бир кун ҳам тоқат қила олмаймиз. Бу йилнинг дастлабки ойларида биз молия соҳасидаги тартибсизликка ва давлатга қарши ишларга дуч келдикки, бундай шароитда Умумиттифоқ бозорини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, молиявий аҳволни соғломлаштириш, тангликдан чиқиб олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу Иттифоқ бюджети, мамлакатнинг бутун молиявий системасига нисбатан ўтакетган талончиликдир, унга чек қўйилади.

Рўй-рост айтадиган бўлсам, бунда ҳар қандай тасодифий вазиятлари рўкач қилиш ўринсиздир. Биз йирик Умумиттифоқ ижтимоий дастурларини бажаришимиз, базавий тармоқларни қўлдаб-қувватлашимиз, бир қанча жумҳуриятларга бюджетдан ёрдам беришимиз, мудофаани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятини, фундаментал фанларни, маданиятни пул билан таъминлашимиз керак.

Нарх белгиланишини тартибга солиш, пухта кредит сиёсатини ўтказиш йўли билан сўмни мустаҳкамлаш, пул муомаласини тартибга солиш тангликка қарши энг муҳим чоралардан биридир. Энг муҳими шуки, бозорда пайдо бўладиган ҳар бир сўм ҳақиқатан ҳам ишлаб топилган пул бўлсин. Аввало, савдода ва умумий овқатланишда, маиший хизмат соҳасида, майда ва ўртача корхоналарга нисбатан давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, ишбилармонликни ривожлантириш, иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш, майда ва ўртача бизнесни қўллаб-қувватлаш, товар ва молия биржаларини жадаллик билан вужудга келтириш, сўмнинг бемалол айирбошланадиган бўлишига ўтиш хусусида фаол ҳаракат қилишни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Меҳнатга қобилиятли кишиларнинг яшаш учун пул топишига имкон бериш ва айни вақтда меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий жиҳатдан ночор кишиларни қўллаб-қувватлаш учун аҳолининг ижтимоий кафолатларини ва ижтимоий ҳимояланишини вужудга келтиришга тангликка қарши чора-тадбирлар системасида биринчи даражали ўрин берилади. Бунинг учун яқин бир ой ичида нарх-наво ўзгариши муносабати билан аҳолининг даромадларини индекслаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси СССР Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этилади. Энг оз истеъмол бюджетлари системасини вужудга келтириш соҳасидаги иш ниҳоясига етказилади, иш билан таъминлашнинг Иттифоқ-жумҳурият хизмати ва ижтимоий ишлар системаси вужудга келтирилади. Бозорга ўтиш шароитида соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинади.

Тангликка қарши дастурда қамраб олинадиган ва таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг кичик бир қисминигина айтиб ўтдим. Дарров ҳамма нарсани ўзгартириб юборадиган биронта мўъжизакор иқтисодий восита йўқлигини уқиб олишимиз ва одамларга аниқ қилиб айтишимиз керак. Бу — биз танлаб олган бозор иқтисодиётига, ҳуқуқий давлатга ўтиш, Иттифоқни янгилаш йўли доирасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташқи иқтисодий соҳада бир-бири билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бутун бир системасидир. Бу системани амалга ошириш — айниқса, ҳозирги вазиятда, иқтисодий ва ижтимоий воситалар изидан чиққан бир пайтда осон иш эмас.

Шу сабабли мен ҳокимият тузилмалари фаолиятининг самарадорлиги, давлат интизоми ва тартибига, қонунийликка қатъий риоя этиш, ташаббус ва масъулиятни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги масалани яна бир бор ўртага қўймоқдаман. Шуни англаган ҳолда биз ҳамкорликка ҳам эришмоғимиз керак, шундагина танглик ҳолатлари бундан буён ҳам авж олишини тўхтатиб қола оламиз, йил охиригача муайян барқарорликка эриша оламиз, иқтисодиётни жонлантириш, мамлакатдаги вазиятни яхшилаш ва ислоҳотларни жадаллаштириш учун шароит ярата оламиз.

Сўзимнинг охирида тангликка қарши таклиф этилаётган дастур — ўта қийин иш эканини, аммо у бутун жамиятнинг манфаатларига мос бўлиб тушишини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз бу дастурни таклиф қилар эканмиз, барча жамоат кучларига ва ҳаракатларига сиёсий ихтилофларни иккинчи ўринга суриб қўйишни, мафкуравий жангларни йиғиштириб қўйишни тавсия этамиз. Шу жиҳатдан мен РСФСР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган Съездида марказ билан жумҳуриятларнинг ҳамкорлигига, баҳамжиҳат ҳаракат қилишга даъватларни табриклайман. Бундай даъватлар кейинги вақтларда барча анжуманларда, ҳамма жумҳуриятларда тобора кўпроқ қатъият билан янграб турибди. Бу — онгли равишда қилинаётган иш бўлиб, замонанинг амридир. Ҳозир ҳаракат қилиш ва амалий ишларни ҳал этиш — энг муҳим вазифадир.

Мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. Х. Догужиевнинг, Бош вазир ўринбосари В. И. Шчербаковнинг, Иттифоқ молия вазири В. Е. Орловнинг, СССР Давлат банки раиси В. В. Герашченконинг ахборотларида тангликка қарши дастурнинг аниқ қоидалари ойдинлаштириб берилди. Иқтисодиётдаги вазиятнинг турли жиҳатларига, вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларига тааллуқли саволларга жавоблар қайтарилди.

Бўлиб ўтган муҳокамада илгари қабул этилган қарорларга қарамай, ҳозирча иқтисодиётда яхшилик сари бурилиш бошланмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этаётганлиги хусусида ташвишланиб гапирилди. Бунинг турли сабаблари, аввало, хўжалик алоқаларининг узилганлиги, маъмурларнинг фаолиятидаги келишмовчилик айтиб ўтилди. Бу сабаблар қор уюмидек тобора кўпая бориб, мамлакат халқ хўжалигини издан чиқармоқда, одамларнинг турмуш шароитини ёмонлаштирмоқда. «Қонунлар уруши» давом этаётганлиги катта зиён етказмоқда. Меҳнат интизоми кескин бўшашиб кетганлиги, иш ташлашлар тўлқини, митингбозлик қийинчиликларнинг энг асосий сабабларидан бири эканлиги айтилди.

Бутуниттифоқ касаба уюшмалари конфедерациясининг номидан шу конфедерациянинг раиси В. П. Шчербаков сўзга чиқди. Касаба уюшмалари, деди у, нарх-наво кўтарилиши муносабати билан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ўткирлашиб бораётганини таъкидламоқдалар. Умумий овқатланишдаги компенсация даражасини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бунга меҳнат жамоалари ҳам ўз ҳиссасини қўшишлари лозим.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, Озарбайжон Президенти А. Н. Муталибов, РСФСР Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Р. И. Хасбулатов, Украина Вазирлар Кенгашининг Раиси В. П. Фокин ва Қирғизистон Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Исанов ўз нутқларида жумҳуриятлардаги ишларнинг аҳволи, уларнинг қийинчиликлари ва эҳтиёжлари, Умумиттифоқ муаммоларини ҳал этишга ёндашувлар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси муҳокама якунларини эътиборга олиб, тангликка қарши дастурни қўшимча равишда ишлаб чиқади ва СССР Иттифоқи Олий Кенгашининг муҳокамасига тақдим этади, деган қарорга келинди.

Кун тартибининг навбатдаги банди доирасида Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини тайёрлаш юзасидан бундан буёнги қилинадиган иш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Умумхалқ овоз бериши давлатимизни сақлаб қолиш ва қайта тузиш тўғрисида қатъий бир фикр билдирганлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шунга амал қилиб энди янги Шартнома тузиш сари бориш зарур. Лойиҳа жумҳуриятларнинг парламентларида кўриб чиқилганидан кейин уни келишиб олишни бевосита Федерация Кенгашида ниҳоясига етказиш тўғрисида таклиф айтилди.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов ва СССР Бош вазири В. С. Павлов қатнашдилар.

Б. ГРИЩЧЕНКО,
Б. ШЕСТАКОВ,
ТАСС шарҳчилари.

• *Тошкент трамвайи—90 ёшда*

Трамвай-троллейбуслар шаҳар ҳаётига сингиб аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилаётганига бутунлай кўникдик. Ҳатто дастлабки трамвайларнинг бекатларга етиб келиши соат хизматини ўтай бошлаганига ҳам баъзан бефарқ қараймиз. Бу — трамвайлар ҳаракат жадвалида вақт аниқлигига интилиш белгиси.

ҲАР КУНГИ ЙЎЛДОШЛАРИМИЗ

Лекин шаҳарликларга ва унинг кўпдан-кўп меҳмонларига беназир хизмат кўрсатиб турган корхона босиб ўтган 90 йиллик тарихдан воқифмисиз? Унинг қай тариқа вужудга келгани-ю, тараққиёт йўллари ҳақида мулоҳаза қилиб кўрганмисиз? Шу ҳақдаги ҳикоямизни бошлашдан аввал «трамвай» сўзининг луғавий маъноси хусусида ихчам маълумот бериш ниятимиз бор. Бу сўз ўзбек тилига рус тили орқали кириб, шу ҳолича талаффуз ва истеъмолга кириб кетган: у асли инглизча бўлиб, «трамм» — вагон, «вай» — йўл маъносини билдиради. Тўғри, кексалар «кўнка» ҳам дейишади. Лекин кўнка ҳозир тегишли маънони тўла ифодаламайди.

Дарвоқе, кўнка (конька) ҳақида. Отлар қўшилган вагон темир изларда ҳаракатлантирилган. Рус муҳандиси С. Полежаев 1854 йили Санкт-Петербург шаҳри чеккасида отлар тортиши орқали ҳаракатланадиган 3,5 километрли вагон темир йўлини барпо этади. Россияда биринчи бўлиб отлар тортадиган вагон — конька Санкт-Перетбург кўчаларида ҳаракат қила бошлаган. Шундан кейин 1872 йилда Москвада, чорак аср ўтиб Одессада, XIX аср охиригача Рига, Харьков, Ростов-Дон, Самара, Киев, Воронеж ва Россиянинг бўлак шаҳарларида темир излар қурилади. Бундай излар кўпгина курорт манзилгоҳларида ҳам барпо этилади.

Бора-бора Тошкентимизни ҳам мукаммалроқ транспортсиз тасаввур этиш қийин бўлиб қолди. Биринчи трамвай (конька)ни юргизиш ҳақида 1896 йили Тошкент шаҳар бошқармаси Бельгия акционерлик жамияти билан битим тузди. Ниҳоят, 1901 йил 30 мартдан бошлаб икки ўқ устига ўрнатилган каравот (конька) ингичка рельслар устида отлар ёрдамида ҳаракатлантирилди.

Конька шаҳар амалдори Ульяновнинг буйруғига кўра, соат 7 дан 19 гача бир-икки соат оралаб юрарди. Жами 20 та конька бўлиб, ҳар бирига 24 йўловчи сиғар, 10 километрли ингичка рельс устидан юрувчи конькаларга 288 от бириктириб қўйилганди. Орадан олти йил чамаси вақт ўтгач, 1907 йили Бельгия акционерлик жамияти вакиллари Тошкент вокзали томонга биринчи трамвай юргизганларида отсиз конькалар — трамвайни томоша қилгани бутун шаҳар аҳолиси кўчага чиқди. Сирли қувват (электр) билан ҳаракатланувчи трамвайни илк бор Тошкент кўчалари бўйлаб Константин Брикаев бошқарди. У 1917 йили партия сафига ўтиб, умрининг охиригача — 1974 йилгача транспорт тармоғи корхоналарида самарали меҳнат қилди.

Бельгия фуқароси муҳандис Эдуард Дени билан Тошкент шаҳрида отлиқ-темир йўл қурилиши ҳақидаги контракт (келишув ҳужжати)да таъкидланишича, «Тадбиркор: а) ўз ҳисобидан отлиқ-темир йўл қуриш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, эҳтиёт қилиб фойдаланиш мажбуриятини олади; б) тадбиркор келишилган битимга мувофиқ, шаҳар бошқармаси йўл қурилишига ер участкаси учун Давлат ғазнасига пул ўтказишга мажбур... Тадбиркор иккинчи трамвай тармоғини ҳам қуришни ўз зиммасига олади».

Кўриниб турибдики, у ёки бу масалада хорижий мамлакатлар билан эркин алоқа қилиш, чет эл маблағидан манфаатли асосларда фойдаланиш тажрибаси илгари ҳам кенг қўлланилган, шу ҳамкорликдан икки томон ҳам ютган. Фақат трамвай тармоғи барпо этиш эмас, ўзаро фойдали қўшма корхоналар қуриб ишга туширишда юзасидан жумҳуриятимизда олиб борилаётган ҳозирги ишлар кўламини кенгайтираверишнинг истиқболли тадбир. Бу тажриба кенгроқ қўлланилиши иқтисодий жиҳатдан манфаатли эканини юқоридаги тажриба аниқ тасдиқлаб турибди.

Энди бошқа бир масала. Маҳаллий халқ вакиллари конька-ю трамвай ишига яқинлаштирилмасди. Айтишларича, ерли аҳоли вакилларидан фақат отбоқарликда фойдаланиш афзал кўрилган. Эҳтимол, туб аҳолини техниканинг оддий тараққиётидан бебаҳра, четда, ғафлатда сақлаш учун шундай қилинган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бироқ бир нарса аниқки, Октябрь инқилобига қадар рус буржуазияси ва чет эл корчалонларининг зулми остида 18 соатлаб ишлаган кучер (от бошқарувчи) ва кондукторларнинг 50 фоиз иш ҳақи жарима тариқасида чегириб ташланарди. Ерли халқ бу фаолиятга аралашиб қолган тақдирда ҳам улар таҳқирланар — уч ҳисса кам ҳақ тўланарди.

Ҳужжатларнинг далолатича, Тошкент трамвайининг фахрийларидан Қурбонжон Темиров эсдаликларидан қуйидагиларни билиб олиш мумкин. У таъкидлайди: «Трамвайда ишлашни ҳавас қилиб ариза бердим. Лекин бунга жавобан 7 кун қамоқ жазоси билан «мукофот»лашди. Кейинчалик танишим — трамвай ишчиси Гамзабеков билан маслаҳатлашиб, ўзимни «озарбайжон»деб кўрсатдим. Ва ниҳоят трамвай ҳайдовчилик касбини эгалладим».

Қ. Темиров ва унинг ўнлаб, юзлаб сафдошлари 1905 — 1917 йилги инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этдилар. 1917 йил декабрь ойида Тошкент большевиклари меньшевиклар устидан узил-кесил ғалабага эришиб, ўзларининг шаҳар комитетларини туздилар. Большевиклар сафи кенгая борди. Масалан, ўша декабрь ойида 64 фирқа аъзоси бўлса, бир ой ўтиб — 1918 йил январь ойида фирқа аъзолари сони 116, июнь ойига келиб 251 нафарга етди. А. Абдураҳимов, Т. Эшонхўжаев, И. Камолов, Н. Бобожонов, О. Жалолов, А. Абдурашидов, З. Илёсовлар каби фаоллар фирқа аъзолари сафини тўлдирдилар. Тошкент трамвайининг большевиклари ҳам кун сайин кўпайиб борди.

Ойлар ўтиши билан трамвайчилар шаҳар ишчилари сафларини тўлдира бордилар. Шу тариқа 1918 йил 10 декабрда Туркистон ҳукумати декрети билан Тошкент трамвай корхонаси Халқ хўжалиги марказий кенгаши қарамоғига ўтди. Бу вақтга қадар трамвай техникаси ишдан чиққан эди. Мотор билан ҳаракатланувчи 50 та трамвай вагонининг 6-8 таси яроқли бўлиб, электр узатувчи симлар ва пўлат излар созлашга муҳтож эди. Созловчи ишчиларнинг аксарияти Гражданлар уруши жанггоҳларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишаётганди. 1921 йилдан эътиборан Халқ хўжалиги марказий кенгаши буйруғига биноан трамвай хўжалигини тиклашга киришилди. Аҳолига трамвай хизмати кўрсатиш яхшилана бошлади. Қисқа фурсатда 3 та вагон созланиб, йўловчилар хизматига юборилди.

1926 йилда трамвай хўжалигида катта ўзгаришлар рўй берди. «Қизил Путилов» заводи ишчилари тошкентликларга 10 та моторли ва 12 та тиркаладиган трамвай вагони тортиқ қилишди. Улуғ Ватан урушига қадар ҳаракатдаги составларнинг сони 306 тага етди. Тошкент трамвайи 1932 йилда ҳам темир йўл қарамоғида эди. 42 та моторли вагон ва 31 та тиркагич трамвай вагонлари аҳолига зўрға хизмат кўрсатар, улар ҳам эскирганидан 4 соатлаб йўлда кўринмасди. Аҳволни бартараф этиш учун ишчилар сменадан кейин қолиб бўлса-да, вагонларни созлаш ташаббуси билан чиқишди. Бу ишда чилангарлардан Суторлин ва Бағдушкин бригадалари ибрат кўрсатишди. Шу каби ҳаракатлар туфайли трамвай хўжалиги тиклана бошлади. Бир йил ичида 31 миллион ўрнига 83 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди. Вагонлар сони 92 тадан 147 тага кўпайди.

Бу вақтга келиб, трамвай транспорт тармоғида маҳаллий миллат вакиллари малакаси сезиларли даражада ортиб, улар энди ҳал қилувчи касбларда ишлай бошладилар. Бунинг учун ўша вақтда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши томонидан мукофотланганлар рўйхатига назар ташлаш кифоя. Бошқарувчи Р. Икромов тармоқда биринчи бўлиб Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Тажрибали трамвайчи Умар Султонбоев тармоқда илк бор Халқ Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. Уста слесарлардан Н. Ҳасанбоев, А. Маҳмудбеков, А. Паршинов, М. Заҳаров ҳукуматнинг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Қисқаси, трамвайчилар дастлабки беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш даврларида катта қийинчиликларни мардона енгиб ўтдилар. Урушдан кейинги йилларда Тошкент трамвайи йўловчилар эҳтиёжини қондиролмай қолди. Троллейбуслардан фойдаланиш фикри анча аввалроқ ўртага қўйилган бўлса-да, дастлабки троллейбус 1947 йили Вокзал — Эски Жўва оралиғида қатнай бошлади. Биринчи троллейбусни ўша вақтда тармоқнинг энг яхши мутахассиси саналган Яков Рушай бошқарди. Ҳар 15 минутда бир келадиган замонавий машина — троллейбусни дастлабки йўловчилар завқ билан кузатишганини эскишаҳарликлар ҳалиҳали эслашади.

Кейинги вақтда Тошкентда электр транспорти гуркираб ривожланди. Бугунги кунда трамвай-троллейбуслар шаҳар йўловчиларининг 42 фоизини ташиб бераётгани кўпчиликка маълум. Транспорт ишида талай камчилик-нуқсонлар мавжуд бўлса ҳам, трамвай ҳали-бери ўз ўрнини на автобусга, на метрога бўшатиб бермоқчи эмас.

Тармоқ ходимларининг бугунги кайфияти қалай? Юбилей арафасида биз шу савол билан Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ҳ. Маҳкамовга мурожаат қилдик.

— Корхонамиз меҳнаткашларининг кайфияти ёмон эмас, — деди Ҳусниддин Саъдиевич. — Шаҳарда трамвай қатнови бошланганлигининг 90 йиллиги арафасида трамвайчиларнинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта 13-маош тарқатилди. Бу уларни шаҳар аҳолисига янада яхшироқ хизмат кўрсатишга рағбатлантирмоқда.

Яна бир кўнгилни кўтарадиган воқеа юз берди. Юбилей тараддуди арафасида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Вице-президент Ш. Р. Мирсаидов бизнинг «Қизил Шарқ» трамвай-троллейбус манзилгоҳи жамоасига ташриф буюришди. Учрашувда ҳукуматимиз раҳбарлари билан бозор иқтисодиёти шароитидаги кўпдан-кўп ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший масалаларимизни ҳал этиш хусусида баҳамжиҳат фикрлашиб олдик.

Ҳар кунги йўлдошларимиз фаолиятидан ҳозирча шуларни қикоя қилдик. Бугун нишонланадиган юбилей тантаналарига қардош республикалардан, қориждан ҳам делегациялар қатнашади. Тонгда уйдан чиққач, илк бор хизматимизга ҳозир трамвайтроллейбусчиларни рўзномамиз муштарийлари номидан юбилей билан қизғин муборак этамиз.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● **Тошкент трамвай-троллейбус деполаридан ҳар куни 670 транспорт воситаси чиқиб, қалкам 1 миллион йўловчи ташиб бермоқда.**

● **Шаҳарда троллейбус контакт тармоқлари узунлиги 250 километрга етди. Трамвайлар юрадиган пўлат излар эса 266 километрдан ортиб кетди.**

● **Кейинги йилларда электр ёрдамида ишлайдиган транспорт жадал тараққий этиб, умумий фойдаланишдаги шаҳар транспортида йўловчи ташиш ҳажмининг қарийб ярмини адо этмоқда.**

● **Депо ва бошқарма хизмат бўлинмалари ижоднорлари 1990 йилда 37 та йирик тадбирни амалга ошириб, 160.000 сўм самарага эришишди. 45 та ташкилий-техникавий тадбирни рўёбга чиқаришдан эса 120.000 сўм наф кўрилди.**

● **1991—1995 йилларда қўшимча тарзда яна 108 километр трамвай ва троллейбус тармоқлари бунёд этиш мўлжалланган.**

Тўпловчи Суҳроб АЛИЕВ,
«Мотор» кўп нусхали рўзномаси ходими.

Самарқанд тикувчилари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўли билан халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажмини ошириб, сифатини муттасил яхшилаб бормоқдалар.

Бунда уларга хорижий мамлакатлардаги шериклар билан иқтисодий ҳамкорлик ҳам янги имкониятлар яратиб беряпти. «8 Март» тикувчилик бирлашмаси ишчи-мутахассислари Италия, Германия, Финляндия корхоналаридан ўнлари ускуналар харид этиб, янги техника воситаларини қисқа фурсатларда ишга туширдилар.

Суратларда: тикувчилик бирлашмасида янги техниканни созлаш, ишлатишда алоҳида ибрат кўрсатаётган бичиқчилик цехи технологи Зинанда Аветян ва уста ишчи Ҳасан Тоҳиров. 2. Самарқанд «Хотин-қизлар меҳнати» фабрикаси тикувчилик цехи илғор ишчиси Муҳаббат Ҳамроева.

Ғ. АЛИЕВ олган суратлар.

ТАЛАБАЛАРГА ИЖТИМОИЙ КАФОЛОТ

Партия ва совет идоралари, вазирликлар ва маҳкамалар раҳбарларининг Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олаётган талаба ёшлар ва уларни ўқитаётган профессор-ўқитувчилар билан учрашувларида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари муҳокама этилди.

Озиқ- овқат маҳсулотлари, моллар ва хизматларга нархнинг оширилиши, стипендияларнинг кўпайиши ва имтиёзли тарзда овқатланиш учун махсус талонлар берилиши муносабати билан компенсация тўлаш тартиби масалалари ўртага қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. А. Абдувосиқов, К. Ю. Юсупов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов талабалар билан суҳбатлашдилар. **(ЎзТАГ).**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 2 АПРЕЛДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари

1. «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ Умумиттифоқ жамоат бирлашмаларининг республика ташкилотлари, халқаро, республикаларо, республика ҳамда вилоятларо жамоат бирлашмалари уставлари (низомлари)ни Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги рўйхатга олади.

Фаолияти вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудига ёки икки ёхуд ундан ортиқ районлар ва шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқлар ҳудудига дахлдор жамоат бирлашмаларининг уставлари халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетларининг адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон МССР ҳудудида иш олиб борадиган жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тартибини Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши белгилаб беради.

2. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза шу устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг тегишли идорасига топширилади. Аризага жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзолари ҳар бирининг истиқомат жойи кўрсатилиб имзо чекилган ҳамда у қоидаларда белгиланган шаклга мос бўлиши керак.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

жамоат бирлашмасининг устави (низоми) ҳамда низомни қабул қилган таъсис йиғилиши (конференция, съезд)нинг протоколи икки нусхада;

пул тўловчининг кредит муассасасига пул ўтказганлиги тўғрисида банк томонидан белги қўйилган тўлов қоғози ёки банкнинг рўйхатга олиш йиғими учун пул қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ўзга ҳужжати;

«Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 6 ва 8-моддалари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар, шу жумладан:

жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари тўғрисидаги маълумотлар (ташаббускор — фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилади; ташаббускор жамоат бирлашмаларининг номи, раҳбар органи қаерда жойлашганлиги, устави қаерда ва қачон рўйхатга олинганлиги кўрсатилади). «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонуни кучга киритилгунга қадар тузилган жамоат бирлашмалари ташаббускорлар тўғрисидаги маълумотларни давлат ва жамоат идораларининг актлари, архив ҳужжатларининг нусхалари, амалий тусдаги мактублар шаклида тақдим этишлари мумкин;

мазкур жамоат бирлашмасининг Қорақалпоғистон МССРда, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, бошқа республикаларда, чет давлатларда (халқаро жамоат бирлашмалари учун) ташкилотлари мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (йиғилишларнинг баёни, қарорлардан кўчирмалар ва бошқалар); партиялар ва касаба уюшмалари учун — шу бирлашмаларнинг аъзоси бўлган камида уч минг фуқаро ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва истиқомат жойи кўрсатилган рўйхати.

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг идоралари жамоат бирлашмалари томонидан тақдим этилган материалларнинг тўғрилигини текшириши мумкин.

3. Жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги идоралари томонидан шу ариза тушган кундан бошлаб икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

низомни рўйхатга олиш тўғрисида;

низомни рўйхатга олишни рад этиш ҳақида;

аризани кўриб чиқмай қолдириш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор ҳақида аризачига рўйхатга олиш учун белгиланган муддатда ёзма равишда хабар қилинади.

4. «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни кучга киритилгунга қадар тузилган жамоат бирлашмасининг низоми мазкур қонуннинг 10-моддаси талабларига мос келмаса, агар ана шу номувофиқлик бирлашманинг мақсадлари ва вазифаларига ҳамда унинг аъзолари ҳуқуқларига дахлли бўлмаса, жамоат бирлашмаси раҳбар органининг низомга бирлашманинг яқинда бўладиган умумий йиғилишида» (съездида) зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида ёзма мажбурияти мавжуд бўлган тақдирда бу жамоат бирлашмаси рўйхатга олиниши мумкин.

5. Жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олиш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда аризачига рўйхатга олинганлик тўғрисида белгиланган намунадаги (ушбу қоидаларга илова қилинган) гувоҳнома топширилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган тақдирда унинг иккинчи нусхасини топшириш учун рўйхатга олиш йиғими умумий ҳажмининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олинади.

6. Низомни рўйхатга олинган жамоат бирлашмасига у республика, республикаларо, халқаро ва маҳаллий бирлашмалар рўйхатига қайси рақам билан ёзилган бўлса, худди шундай рўйхатга олиш рақами берилади.

7. Низомни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан номи бир хил бўлган икки ёки ундан ортиқ жамоат бирлашмаси мурожаат қилган ҳолларда «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни кучга киритилгунга қадар тузилган жамоат бирлашмаси олдин амал қилган қонунларга мувофиқ низомни рўйхатга олишда афзал ҳуқуққа эга бўлади. Агар бундай бирлашма бўлмаган тақдирда даъвогарлар орасидан шу ном билан низомни рўйхатга олиш тўғрисида бошқалардан олдинроқ ариза берган жамоат бирлашмасига афзаллик берилади.

8. Агар жамоат бирлашмасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза ушбу қоидаларнинг 2-бандида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилмай берилган бўлса, бундай ариза кўриб чиқилмайди.

Аризани кўриб чиқмай қолдириб юбориш тўғрисида қарор чиқариш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ариза «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунида ва ушбу қоидаларда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши керак.

9. Жамоат бирлашмалари низомларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалар ушбу қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

10. Жамоат бирлашмалари низомларини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар расмий тилда тақдим этилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ДАВРА СУҲБАТИ

Биз тарихимизни олтин ва муқаддас бешик деб бежиз атамаймиз. Қайта қуриш шарофати туфайли босиб ўтилган йўлимизга тўғри ва ҳаққоний баҳо бериш бошланди. Бу билан илгариги бирёқламаликлар, маъмурий буйруқбозлик, тўрачилик иллатларига чек қўйилди. «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририятида бўлиб ўтган давра суҳбатида айни шу муаммолар ва қилиниши зарур бўлган режалар ҳақида фикрлашиб олинди. Ўнда республика Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон ССР халқ ноиби

А. АСҚАРОВ, ЎзФА Тарих илмгоҳи олимлари — тарих фанлари докторлари Ҳ. ЗИЯЕВ, Р. МУКМИНОВА, И. АЛИМОВ, Андижон давлат педагогика олийгоҳи профессори, тарих фанлари доктори Р. ШАМСУТДИНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти бўлим мудирлари, тарих фанлари номзодлари Ҳ. БОБОБЕКОВ, М. ҲАСАНОВ, Н. ХАБИБУЛЛАЕВ, Тошкент машинасозлик олийгоҳи доценти, тарих фанлари номзоди М. ЎРМОНОВ иштирок этдилар.

А. АСҚАРОВ: — Бугунги кунда халқимизнинг тарихга бўлган қизиқиши тўғри ёритилиши керак. Даврнинг ўзи шуни тақозо этяпти. Тўғри, биз тарихчи олимлармиз. Аммо биз яратган илмий асарлар халқ оммасига ўз вақтида етиб бормайди. Олийгоҳлар ва мактабларда ўтилаётган тарих бўйича дарсликларга тўхталгудек бўлсак, уларнинг анча бўш, ҳатто айтиш мумкинки, мантиқсиз ёзилганлигини ҳам кўрамиз. Улар марказдан келган дастур ва дарсликлар асосида шошма-шошарлик билан юзага келяпти. Минтақамиз тарихига эътибор жуда кам. Бу кечирилмас ҳол. Шу сабабли Ўрта Осиё ва айниқса, ўз республикамиз тарихини ўрганиш ўлдаҳўлда қолиб кетяпти.

Қайта қуриш шамолининг эсганига олтинчи йил кетяпти. Афсуски, биз тарихчилар ҳалигача ўз ишимизни етарлича сарҳисоб қилолганимиз йўқ. Бу ҳар биримиз учун катта сабоқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих илмгоҳи олимлари беш йилдан бери Ўзбекистон тарихи бўйича иш олиб боришяпти. Бу иш 8 жилддан иборат бўлиши керак. Афсуски, иш ҳали охирига етганича йўқ. Совет даврини ёритишдаги иш кўлами ғоят аниқ ва ҳаққоний белгилаб олинмаса, қилинаётган иш чиппакка чиқиши мумкин.

Биз ошкоралик ҳақида кўп гапиряпмиз. Афсуски, партия архивларидан самарали фойдалана олмаяпмиз. Унинг айрим қисми ҳамон тарихчилардан сир сақланмоқда. Бусиз амалий ишни бажариб бўлмайди.

ЛУҚМА: — Аҳмадали Асқарович, 8 жилдлик Ўзбекистон тарихи хусусида гап бошладингиз. Бу китобларни қачон ўқиймиз.

А. АСҚАРОВ: 3—4 томи аллақачон тайёрлаб қўйилди, олимлар муҳокамасидан ҳам ўтган. Уларни айрим ташкилотларга юбориб фикр-мулоҳазаларини олиш ниятимиз ҳам бор. Шу билан бирга, тўғрисини айтганда, айрим ўринларда ҳамон чалкашликлар давом этаётир. Олимлар Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганми, ихтиёрий қўшилганми — бир фикрга келишганича йўқ. Темурийлар даври ҳам тўлалигича ёритилган дея олмаймиз. Негаки, бу давр бўйича мутахассислар кам. Борлари кексайиб қолишди. Ёшлар эса ҳали бу муаммони чуқур ўзлаштира олишгани йўқ.

Ёки инқилоб даврини олайлик. Бу давр ҳам яхши ёритилмаган. Россия миқёсидаги жуда кўп архив ҳужжатларини очишга, ўрганишга тўғри келади. Шу билан бирга ана шу даврни синчиклаб, қунт билан ўрганувчи фидойи олимлар ҳам зарур.

Ҳ. БОБОБЕКОВ: — Аҳмадали Асқаровичнинг тарихимиз муаммолари ҳақидаги фикрларига тўлиқ қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам биз ўтмишимизни яхши ўрганмасак, бугунги кунда содир бўлаётган воқеаларнинг асли сабабларини яхши тушунмаймиз ва келажак режаларимизни тўғри белгилаолмаймиз. Акс ҳолда, тарихда йўл қўйилган камчиликлар келажакда ҳам такрорланаверади, натижада меҳнаткаш халқимизнинг шароити ёмонлашаверади.

Архив манбалар ҳақида сўзласак улар, биз тарихчилар учун муҳим ва бебаҳо бойлик ҳисобланади, бусиз тарихни ёритиб бўлмайди. Ўрта Осиёни босиб олиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун аввало архив материалларини тўплаш даркор деб айтилди. Ростини айтганда, мен бу фикрга тўла қўшила олмайман. Чунки Ўрта Осиё хонликларини Россия босиб олганлиги ҳақидаги муҳим архив манбаларини профессор Ҳамид Зияев, мен ва бошқа тарихчи олимлар йиғганмиз, аммо уларни тўла нашр этиб, халқимизга етказишимиз керак. Биз ҳозир нима қиляпмиз? Шу муҳим маълумотларнинг фақат айрим парчаларини мақола ва китобларимизда фойдаланмоқдамиз. Бу эса бизнинг шахсий субъектив фикримиз, эҳтимол архив ҳужжатларини бошқа тарихчи ўзгача тушунар. Шунинг учун биринчи навбатда энг муҳим архив ҳужжатларини нашр этишимиз лозим. Албатта айни пайтда илмий мақола ва монографияларни ҳам ёзиб бориш керак.

Яна тарихимизни ўрганиш масалаларига доир бир неча фикр айтмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон жумҳуриятлари тарихи ҳақида кўп томлик китоблар нашр этилган. Аммо 1917 йилгача бўлган қисмларнинг мазмуни бир-бирига жуда ўхшаб кетади ва китобларда такрорланади. Илмий-тадқиқотларни олиб қарасангиз ҳам шу аҳвол. Ҳар биримиз ўзимизнинг тарихимизни бошқаларникидан устун қўймоқчи бўламиз. Ахир 1925 йилгача Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ССРлар бўлмаган-ку, ахир.

Шунинг учун инқилобгача бўлган тарихимизни ёзадиган бўлсак, маълум даврларда қандай хонликлар бўлган бўлса, ўша давлат тарихини ёзмоғимиз лозим.

Мисол учун, XIX асрда Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари, 1867 йилдан эса Туркистон генерал-губернаторлиги бор эди. Шунинг учун биз, масалан, XIX асрнинг ҳақиқий тарихини ёзмоқчи бўлсак «Бухоро амирлиги тарихи», «Қўқон хонлиги тарихи», «Хива хонлиги тарихи» ва «Туркистон генерал-губернаторлиги тарихи»ни халқимизга ёзиб беришимиз керак.

Аҳмадали ака яна бир муҳим муаммони кўтарди. У ҳам бўлса, тарихчи мутахассислар тайёрлаш масаласи. Мен Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетида деярли 11 йил ишладим ва қандай талабалар ўқиётганлиги ва қандай билим билан тугатаётганини жуда яхши биламан. Тўғри, талабалар ичида тарихни севадиган ва чуқур билимга эга бўлганлар оз эмас. Лекин бир нарсага ҳайрон қоласан киши, аъло баҳоларга ўқиб имтиёзли диплом билан тугатган талабалар аспирантурага кира олмайдилар. Таниш-билиш орқали кириш ҳам бор. Бу сир эмас, ҳаммамиз биламиз-у, аммо очиқ расман айта олмаймиз...

Яна бир муаммо хусусида, Тарих институти Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятида расман иккинчи даражали институт деб ҳисобланади. Ажабо, иккинчи даражали-я! Мана сизга тарихимизга, ўтмишимизга муносабат.

Ҳатто Тарих институти ўз биносига эга эмас. Бу муаммони ҳам тезда ечиш керак. Тарихчи олимлардан самара талаб қилгач, уларга шароит ҳам яратиб бериш керакда.

Р. ШАМСУТДИНОВ: — Ҳужжатда ҳам ҳужжат бор, баъзилари олдиндан нормалаб қўйилган. Сиёсатга мослаштирамиз демасдан ҳужжатни ўзимиз мушоҳада қилиб шарҳлаб халқ тилида ёзишимиз керак.

Шу вақтгача ҳужжатларга тобе бўлиб қолганмиз. Уларни мушоҳада қилиб ўрганиш лозим. Чунки, ҳали жуда кўп оқ доғларни халқимизга қайтариб беролганимиз йўқ. Масалан, босмачиларга қарши кураш мавзуси Москвадаги Совет Армияси давлат архивида ётибди.

Тарихимиз «оқ доғ»лари, ўқилмаган саҳифалари ҳақида гап кетганда, биз жадидчилик ҳаракати тарихини алоҳида, мустақил, кенг ўрганишимиз, йирик тадқиқот ишлари ёзишимиз лозимлигини таъкидламоқчиман. Ахир ўзбек ва бошқа ерли аҳолининг инқилоб йўлига келиши жадидчилик орқали юз берди-ку? Жадидчиликдан ёш бухороликлар, ёш хиваликлар, ёш ўзбеклар ташкилотлари ўсиб чиқдилар ва улар Ўрта Осиё халқларининг инқилобий курашида катта роль ўйнадилар. Бу мавзуларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида асарлар ҳолида халқимизга етиб бормоғи лозим.

Ўрта Осиёдаги Мусулмон Советлари, инқилобий қўмиталар, Туркистон КП мусулмон бюроси, Туркистон, Бухоро, Хоразм жумҳуриятларининг ташқи сиёсати масалалари ҳам кам ўрганилган мавзулардир. Туркистон мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти комплекс ўрганилиб, алоҳида китоб ҳолига келтирилиши зарур.

Туркистон ва Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик услубининг қарор топиши ва унинг бу ердаги хусусияти, Ўрта Осиёдаги «қулоқлар» масаласи, 20-30-йиллардаги мафкуравий кураш, қатағонлик сиёсатининг Ўзбекистонда ҳам ўтказилиши, «18 лар гуруҳи», «Иноғомовчилик» «Қосимовчилик», «Пантуркизм», «Панисломизм» каби ўйлаб топилган тарихий тушунчалар ўзининг холисона, янгича баҳосини олмоғи даркор.

Шунингдек, Ўрта Осиёда миллий давлат чегаралашни тайёрлаш ва ўтказиш, Ўзбекистон жумҳуриятининг ташкил топиши, РКП (б) МКнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органлари — Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси фаолиятлари қайтадан, танқидий — ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан ўрганилиши керак. Бу ваколатли органлардаги масъул ходимларнинг ҳаммаси ҳам ижобий ишлар қилган деб бўлмайди, улар фаолиятида жиддий хатолар, нуқсонлар бўлган, буюк давлатчилик асосида иш кўрганлар, марказ йўл-йўриқларини маҳаллий шароитга нотўғри тадбиқ қилган ва ҳоказо.

Тарихимизнинг Улуғ Ватан уруши даврини, ундан сўнгги, турғунлик ва қайта қуриш даврини замоннинг мураккаблиги, тез ўзгарувчанлиги, тарих фанида кейинги вақтда юз бераётган кескин ўзгаришлар нуқтаи назаридан янгича, холисона таҳлил этиш керак. Бунинг учун жумҳуриятимиздаги илмий куч-қудратни бир марказга тўплаш, яъни миллий тарихимизнинг у ёки бу соҳасини ёзишни уддалайдиган, асарлари, мақолаларини элимизга манзур этадиган олимларимиз имкониятларидан тўла, кенг фойдаланишимиз лозим. Бу ишни ЎзФА Тарих институти ташкил қилиши ва бошқариши керак.

Ўзбекистон тарихини қадимгисидан ҳозирги кунгача бўлган тарихини яратиш учун тез вақт ичида, пухта тайёргарлик кўриб, юқори савияда, Ўзбекистон партия ва ҳукумати эътиборидаги умумжумҳурият кенгашини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

М. ЎРМОНОВ: — Олий ўқув юртида талабаларга сабоқ бераётган муаллим сифатида айтишим керакки, биз қайта қуриш ва ошкоралиқдан тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Мен аввало, тарихимиз олдида жумбоқ бўлган муаммоларни биринчи галда талабаларга етказишни зарур, деб ҳисоблайман.

Иккинчи масалага келсак. Олий ўқув юртларида тарих бўйича дарслик йўқ. Айрим муаллифлар жамоаси дарслик ёзишга ўтиришганди. Аммо у ўқувчилар қўлига қачон етиб боради, номаълум. Талабалар эса бу ҳақда ҳар бир дарсда сўрашади. Баъзан жавоб топишга қийналасан, киши.

Академик Асқаров тўғри таъкидлаб ўтдилар, бизда академик, профессор, фан ҳам илмий ишлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Айниқса, археология фани ривожланиб, катта ишлар амалга ошириляпти. Археологларнинг илмий асарлари жаҳон миқёсига чиқди.

Бироқ, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини ўрганишда қўпол хаталарга йўл қўйилди. Айниқса, қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганишга етарли аҳамият берилмади, барча моддий ва маънавий кучлар совет даври тарихини ўрганишга қаратилди. Натижада ўзбек халқининг кейинги уч минг йиллик тарихи батафсил ўрганилмай қолди. Тўғри, бу соҳада айрим ишлар қилинди, лекин улар денгиз сувидан бир томчи, холос.

Буни қарангки, қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганиш кейинги салкам 50 йилдан буён 6-8 кишидан иборат бўлган бир бўлимда амалга ошириб келинмоқда. Ваҳолонки, 70 йиллик Совет тарихини ўрганишга эса ўнлаб фан докторлари ва номзодлари ҳамда беш-олтита бўлим жалб қилинган. Бу адолатдан эмас, албатта.

Айниқса, бир неча юз йилларни қамраб олувчи қадимги даврни тарихини ўрганишга мутлақо эътибор берилмади. Маълумки, бу давр бўйича манбалар грек, хитой ва сўғд тилларида ёзилган. Ўз вақтида сўғд тили бўйича битта фан номзоди тайёрланган эди. Лекин у Тарих институтига яқинлаштирилмади. Ваҳолонки, бу мутахассиси шу институтнинг ўзи Ленинградга аспирантурага юборган эди.

Қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганишни ривожлантириш ҳақидаги сўзларнинг инобатга олинмади.

Тан олиш керакки, ҳозир ҳам бу муҳим давр бўйича ўн кишилик бир бўлим ишлаб турибди. Демак, аҳвол ўзгармади.

Маълумки, ўтмишимизда Исмоил Сомоний, Хоразм шоҳлари, Темур Малик, Шоҳруҳ, Улуғбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдуллахон ва бошқа шахслар кўп. Бироқ, булар ҳақида бирорта йирик тарихий асар яратилмади.

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшди. Лекин бу муҳим масалага бағишланган яхлит бир асар йўқ.

Республикамизда, айниқса, совет тарихини ўрганишда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Фикримча, Октябрь инқилобида маҳаллий аҳолининг қатнашиш даражасини аниқлаш вақти келди. Босмачилик ҳаракатининг моҳиятини чуқур ўрганиб, у ҳақдаги нотўғри фикрларга барҳам бериш керак. Шунингдек, жумҳуриятда коллективлаштириш ва саноатлаштириш тарихининг оқибатлари батафсил ёритилса яхши бўларди. Ниҳоят, жумҳуриятда пахта яккаҳокимлигининг тарихи ҳамда унинг фожиали оқибатларини кўрсатадиган асарлар керак. Менимча, пахтадан олинадиган даромадларни кўрсатиб, жумҳурият қарздор деган фикрнинг пучлигини исботлаш мақсадга мувофиқдир.

Совет даври тарихини ўрганишда Ўзбекистоннинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланганлигини унутмаслик керак.

Миллий сиёсатга ва пролетар байналмилалга доир масалалар бир томонлама ёритилиб, воқеалар сохталаштиришгача борилди. Эндиликда бу муҳим масалалар моҳиятини очиб бериш вақти келди.

Нуқсонлардан бири шуки, миллий анъаналарни, миллий кийим-кечакларни, миллий турар-жойларни, таомларни, умуман, ўзбекларнинг турмуш тарзини ўрганувчи этнография фанига деярли эътибор берилмади.

Этнография бўйича музей ташкил қилиш лозим. Акс ҳолда омборларда йиллаб сақланаётган юзлаб нодир буюмлар чириб йўқ бўлиши ҳеч гап эмас.

А. АСҚАРОВ: — Ўзбекистон тарихини ўқитиш бўйича бирмунча ижобий ишлар амалга ошириляпти. Яқинда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тиббиёт ва техника олий ўқув юртлари учун 30 соатлик дарс ажратган эди, бир неча муҳокамадан сўнг уни кўпайтириш зарурлиги уқтирилди. Янги ўқув йилидан ўз тарихимизни ўрганиш муаммосига жиддий эътибор берамиз.

Энг муҳими, сиз билан биз тарих борасидаги илмий ишларимизни чуқур олиб бораверишимиз керак. Шу билан бирга тарих бўйича дастур ва дарслик ёзишда четда турмаслик лозим. Бугунги кун талаби шундай. Дарслик ёки дастур илмий ходим, тарих фани муаллими ва методист-ўқитувчи ҳамкорлигида ёзилишини тақозо этяпти. Биз ана шундай дарсликлар муаллифларига яқиндан ёрдам беришимиз керак.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ: — Яқинда маданият тарихи бўйича курсни ўтиб беринг деб бизга мурожаат қилишди. Тўғри, биз рози бўлдик. Афсуски, дастурга разм солсангиз унда барча халқларнинг маданиятига кенг ўрин берилгану, аммо Ўрта Осиё маданияти четда қолиб кетган.

А. АСҚАРОВ: — Фикрингизга қўшиламан. Шунинг учун дастур ва дарсликни ўзимиз ёзишимиз керакда. Умуман, Ўзбекистон тарихи бўйича ҳозирча иккита дастур мавжуд. Бири Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, иккинчиси Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан амалга оширилган. Ҳар иккиси ҳам бугунги кун талабига жавоб бера олади, деб айтолмаймиз.

Луқма: — Биз Ўзбекистон тарихи хусусида туркум мақолалар бериш ниятимиз бор. Аввало, мана шу муаммони қандай ёритиш керак? Бир ёки икки муаллифга мурожаат этсакми ёки бир даврга алоҳида тўхталиш зарурми? Бу ҳақда фикрларингизни билмоқчи эдик?

А. АСҚАРОВ: — Бу иш амалга ошса кўнгилдагидек бўларди. Олимлар қараб туришмайди, деб ўйлайман. Чунки ҳар бир даврнинг ўз мутахассиси бор. Биз режа бўйича муаллифлар рўйхатини тузайлик-да, сўнгра бирма-бир мақола етказиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳ. БОБОБЕКОВ: — Менимча, тартиб билан бериб борсак, ўринли бўларди. Шу билан бирга айтиб ўтмоқчиманки, мактабларда ҳам, институтларнинг тарих факультетларида ҳам Ўзбекистон тарихига бериладиган соатнинг 70 фоизи сарфланиши керак.

Асосий муаммо. Республикамизда «Тарих» журналини чиқаришнинг пайти келди.

А. АСҚАРОВ: — Фикрингизга қўшиламан. Шуни ҳисобга олган ҳолда «Фан ва турмуш» журнали кутубхонасини ташкил этдик. Тарихга оид муҳим мавзуларни ана шу кутубхонада ёритиб борилади.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ: — Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганиш ўзига хослигини айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, бу даврни ўрганадиган тарихчилар ва мутахассис-тилшунослар араб, форс тилларини, эски ўзбек тилини яхши билишлари зарур. Ана шундагина Ўрта Осиё ўрта аср тарихини ҳаққоний ва тўғри ёрита оладилар.

Қадимги даврни билиш учун эса бу тилларнинг ўзигина етмайди. Грек, хитой, сўғд, қадимги Хоразм тиллари ва шеваларни ҳам билиш зарур. Бундан ташқари, фикримча, Европа тилларидан бирини ҳам билса ёмон бўлмасди. Афсус, бундай кадрлар ҳозирча ҳеч қаерда тайёрланмайди. Мен худди мана шу муаммони ҳал этиш пайти келди, деб ўйлайман.

Бу ерда профессор Ҳамид Зияевич таъкидлаб ўтганидек, тарихимизда «оқ доғ»лар ғоят кўп. Қадимги ва ўрта аср тарихимизни чуқурроқ ўрганиш учун эса олимлар гуруҳини кўпайтириш керак. Бу борада қардош республикалар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон олимларининг ҳамкорликда ишлашига шароит яратилиши зарур. Негаки, бу даврни алоҳида ўрганиб бўлмайди.

Шу билан баробар Ўрта Осиё атрофидаги минтақалар — Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой, араб ва бошқа мамлакатлар олимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишнинг ҳам пайти келди.

И. АЛИМОВ: — Биз Ўзбекистоннинг инқилобдан аввалги тарихига кўп тўхталдик. Мен совет даврига қисқача фикр билдирмоқчиман. Бу даврда ҳам «оқ доғ»лар ғоят кўп ва чигал. Биз ана шу муаммога ҳозиргача бошқача нуқтаи назардан ёндашиб келдик. Демократия, ошкоралик туфайли янгича ёндашиш имкониятига эга бўляпмиз.

Октябрь инқилобидан сўнг Ўзбекистон тарихини ёритишда биз, аввало, Россия тарихи қандай бўлса ана ўшандай ёритишга интилдик. Аслида амалда биз феодализмдан социализмга ўтганлигимиз учун дастлабки даврда демократик характердаги ўзгаришлар бўлган. Биз ана шу нуқтан назарни ҳаққоний ёрита билмадик.

Энди бу даврни ёритишда ғоят аниқлик, ҳақиқат кўзи билан қарашимиз лозим. Республикамизда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Буларни ҳам рўй-рост, замини билан кўрсатиш асосий вазифамиздир.

Р. МУКМИНОВА: — Тарих фани кейнинги икки-уч йилда бир қатор илмий ишлар билан бойиганлигини айтиб ўтишни истардим. Ўзбекистонининг ўрта асрлар тарихига оид муаммоларнинг ёритилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу ишларда шаҳар аҳли ва деҳқонларнинг муаммоси билан бир қаторда феодал ҳукмдорлар, саркардалар, давлат бошлиқлари, фан ва дин арбоблари, йирик ва майда савдогарлар, корхона ва дўкон эгаларининг аниқ сиймолари ҳам ёритилди. Аниқ материаллар тадқиқи асосида Ўзбекистон халқларининг айрим мамлакатлар билан ҳам алоқаси кўрсатиб берилди.

Кейинги йилларда Буюк ипак йўлида Ўзбекистоннинг тижорат ва маданият марказлари ҳисобланмиш Самарқанд, Бухоро ва бошқа марказларга бўлган қизиқиши янада ортди. Темур ва Темурийлар фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор бериляпти. Бу борада аниқ ҳужжатлар асосида ёзма манбаларга таяниб бу давр ҳақиқий манзарасини ёритиш ва уларнинг фаолиятини кўрсатиш зарур, деб ҳисоблайман. Бироқ бу борада шарқшунос ёш мутахассислар етишмаяпти.

Йирик тарихчи — шарқшунос олимларнинг энг муҳим асарларини ўзбек тилига таржима қилишнинг пайти келди. Ана шундай асарлардан бири — В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» асаридир. Айниқса, Мирзо Улуғбекнинг таваллуди яқинлашаётган шу кунларда бу асар нашр этилса муносиб тўёна бўларди.

М. ҲАСАНОВ: — Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши тарихи бўлими ғоят мураккаб аҳволда турибди. Бу ўн йилликлар давомида, айниқса, 20-йиллардан бошлаб сиёсатлаштириш ва догматизациялаштириш қурол бўлиб келди. Ошкоралик сиёсати жамиятимиз ҳаётидаги ҳар томонлама янгиланишда, ўша даврдаги воқеаларни ўрганишда муҳим шарт-шароит яратди. Ҳамкасбларим ўша муҳим муаммоларнигина эмас, балки асосий манбалар устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Кейинги ўн йилликлардан фарқли ўлароқ бугунги кунда давлат ва партия архивигина эмас, балки Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қўмитаси архивларидан ҳам самарали фойдаланяпмиз.

Ўз ишимиз муаммолари ҳақида айтиб ўтишимиз керак. Р. Ражабованинг қатъиятлиги туфайли республикамиз жамоатчилигини ғоят тўлқинлантираётган қатор муаммолар устида иш олиб борилиб режалаштирилди. Бўлимимиз аспиранти К. Ражабов шу кунларда «Фарғона босмачилиги (1918 1920)» мавзуида номзодлик иши устида иш олиб бормоқда. Бу иш ўзбек тилида ишланаётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Тарих фанлари номзоди Р. Абдуллаев эса кейинги ўн йилликлар мобайнида олимлар учун ёпиқ бўлган мавзу устида ишлаяпти. Тарих фанлари номзоди С. Аъзамхўжаев, тарих фанлари доктори Р. Ражабова ва камина «Қўқон автономияси» ҳақидаги асарни тайёрлаяпмиз.

Бугунги кунда мухолиф саналган ҳужжатлар устида ҳам иш олиб бораётганимизни айтиб ўтишимиз керак. Тарих фанлари номзодлари В. Германов, К. Шодиев ва бошқалар билан ҳамкорликда Санд Олимхон мемуарини нашрга тайёрлаяпмиз. Шу кунларда Николай II кундаликлари, Деникин мемуари рус тилида нашр этилаётганлигини назарда тутсак, бу иш ҳам муҳимдир.

Ҳ. БОБОБЕКОВ: — Бу ерда дилимизни ўртаб ётган муаммолар кўндаланг қўйиляпти. Буларнинг ҳаммаси кадрларга боғлиқ. Афсуски, тарих фанлари номзодлари учун аспирантлар берилмаяпти.

А. АСҚАРОВ: — Биз худди шу масалани кўтардик. Келажаги порлоқ йигит-қизларни топинг. Албатта, уларга раҳбарлик қилаверасиз.

Р. ШАМСУТДИНОВ: — Шу ўринда менда ҳам таклиф бор. Фарғона водийсида, Бухоро вилоятида ҳам тарих фанлари докторлари бор. Аммо бу ерда аспирантура йўқ.

А. АСҚАРОВ: — Бизга тарих фанига меҳр қўйган ва ўз ишини охиригача етказадиган муносиб ёшлар керак. Улар қаердан бўлишининг аҳамияти йўқ, жой топиб берамиз. Аспирантура ва докторантура ҳар бир истеъдодли ёш учун ҳамиша очиқ...

А. Асқаров

Р. Мукминова

Ҳ. Зияев

И. Алимов

ОЛТИН ВА МУҚАДДАС БЕШИК

Ўзбекистон тарихини оқилона ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир

Р. Шамсутдинов

Н. Ҳабибуллаев



Ҳ. Бобобеков

М. Ўрмонов



М. Ҳасанов

Давра суҳбатида қайд этилган муаммоларни рўзнома саҳифасига сиғдириш қийин. Биз ўз тарихимизни яхши билишимиз, уни рўй-рост ва ҳаққоний кўрсата олишимиз ҳамда ёшларни ана шу руҳда тарбия қилишимиз зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Ўзбекистон тарихи бўйича мулоқотларимиз давом этади. Бу баҳсда сиз, азиз муштарийлар ҳам фаол иштирок этасизлар деган умиддамиз.

Давра суҳбатини **М. ПИРМАТОВ** ва **С. РАҲИМОВА** ёзиб олдилар.

Суратларни **З. ҲАЙДАРОВ** олган.

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Ёз кунларидан бири Луначарскийдаги юрак хасталиклари шифохонаси қабулхонасида навбатчилик қилардим. Қўшни хонада тўрт киши бор эди. Ҳамшира янги келган дам олувчининг ҳужжатларини келтириб, иш столим устига қўйди. Касаллик тарихи варақасидаги: «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ботирбеков Анвар Сатторович» — ёзувига кўзим тушди. Тартибга кўра навбатсиз кириш ҳуқуқидан фойдаланишни рад этиб, ҳамма қатори навбат кутаётган «янги меҳмон», табиийки, эътиборимни тортди. Ҳужжатларни расмийлаштирар эканман, А. Ботирбековнинг шифокор эканлиги ҳам бизни суҳбатга чорларди...

— Тиббиёт олийгоҳини қаерда тугатгансиз?

— Самарқандда...

— Нечанчи йили?

— Уруш бошланишидан бир йил олдин.

— Урушга қачон чақирилгансиз?

— Уруш бошланишидан бир йил олдин.

— Ие, ҳамма иш урушдан олдин бўлган экан-да.

— Шунақа, дўхтир.

— Урушда қаерларда хизмат қилгансиз?

— Кавказорти ҳарбий округида, Жанубий-Ғарбий Дон, Сталинград, Биринчи Белоруссия фронтларида. У ёғи Берлингача...

Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу камтарин, ширинсўз самимий инсон билан бир-икки оғиз гаплашдиму, катта хазина топиб олгандек ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, у билан бамайлихотир суҳбат қуришни дилимга тугиб қўйдим. Орадан учтўрт кун ўтгач, яна менинг шифохона бўйича узлуксиз навбатчилик вақтимда фавворалар тинимсиз қўкка сапчиб, ёқимли шовуллаётган сўлим хиёбонда суҳбатимиз келган жойидан бошланиб кетди. Менга шу нарса маълум бўлдики, Анвар Ботирбеков 1949 йилда ҳарбий хизматдан бўшагач, 1960 йилгача жумҳуриятимиз Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида асосан тиббий хизмат ташкилотчиларидан бўлиб ҳалол меҳнат қилди. Кейин уруш қатнашчиси сифатида имтиёзли нафақага чиқди. Бироқ кўзидаги нур, юрагидаги ғайрат-шижоат табиатан беоромлик уни осойишта ҳаёт кечиришга йўл қўймади. 1960 йили у Ялта шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийси бош шифокори қилиб тайинланади. Бу ерда қарийб 1974 йилгача ишлади, ундан кейин эса беш йил Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаториясига раҳбарлик қилди. 1979—1984 йилларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири муовини — тўртинчи Бош Бошқарма бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. Ҳозирги пайтда жумҳурият аҳамиятига молик нафақахўр бўлишига қарамай, Анвар Ботирбеков Тошкент Давлат дорилфунуни санаторий-профилакторийси бош шифокори бўлиб, бой билим, ҳаётий тажрибаларни халқ соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлашга сидқидилдан сарфлаётгани таҳсинга лойиқдир.

— Уруш вақтидаги кўрганкечирганларингиздан гапириб берсангиз, — деганимда Анвар ака бироз ўйланиб қолди. Кейин ўзига хос вазминлик билан ўтган воқеаларни кўз олдига келтирди.

— Сталинград остоналарида немис фашистлари билан аёвсиз жанглар кетарди. Бизнинг ўқчи полкимиз жангчилари душман билан юзма-юз олишарди. Санитария ротамиз эса қўли-қўлига тегмай қийинчиликлар билан ярадорларни уруш майдонидан олиб чиқарди. Мен ҳам шифокор бўлишимга қарамай, санитария взводи командири Меликидзе билан бирга ишга киришиб, ярадорларни ҳали эмаклаб, ҳали опичиб четга олиб чиқа бошладик. Охирида ҳисоблаб кўришса, мен 29 та, жанговар дўстим Меликидзе бўлса 31 та ярадорни уруш майдонидан олиб чиқибмиз. Бизнинг ҳаракатларимизни полк қўмондонлик нуқтасидан кузатиб туришган экан. Бу хизматларимиз учун иккаламизни ҳам «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирлашди.

— Яна битта эсда қолган қизиқ воқеа бор, деб давом этади А. Ботирбеков. — 1944 йили Варшавани озод қилиш учун қизғин жанг кетаётган пайт. У вақтда мен танкчилар бўлинмасида хизмат қилардим. Санитария ротамизда 30 дан ортиқ ўрта ва оғир даражадаги ярадорлар йиғилиб қолиб, уларни яқин орадаги медсанбатга юбориш керак эди. Ярадорларни иккита катта юк машинасига жойлаштириб, яқин бир қишлоқдаги ўқчилар дивизиясининг медсанбатига олиб борсак, ярадорлар кўплигидан жуда ҳолдан тойиб дераза олдида хаёл суриб ўтирган ҳамюрт курсдошим Акром Бакирович Акбаровни кўриб қолсам денг. Кутилмаганда рўй берган бу учрашувга иккаламиз ҳам ишонмай, бир-биримизни қучоқлаб, ўпиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлардик. Кейин иккаламиз ярадорларга ёрдам бера бошладик.

— Учинчи қизиқ воқеа 1945 йилнинг май ойи бошларида Берлин остоналарида бўлган эди, — давом этади шифокор. — Танкчиларимиз кўчада шиддатли жанг олиб боришарди. Биз бўлса кўп қаватли бинонинг ертўласида тиббий пункт ташкил қилиб, ярадорларга ёрдам бера бошладик. Бир вақт ертўланинг қоронғи бурчагидан устига одеял ёпинган бир тўда немис аёллари болалари билан чиқиб келиб, бизга нимадир деб, гапира бошлашди. Мен немис тилини яхши билганим учун уларнинг муддаоларини дарров тушундим. Улар ярадорларга биз ҳам қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрмиз, дейишаётган экан. Одам етишмай турган пайтда бу ёрдам айни муддао эди, мен бунга розилик билдирдим. Аммо буни сезган бир неча ярадорлар бизга меҳр-шафқат қўлини чўзган немис аёлларини кўкрагидан итариб: «Керак эмас бизга бунақа меҳр-шафқат!» — дея уларни яқинларига йўлатишмади. Бироқ ярадорларни ҳам тушунса бўларди. Буни кўрган аёллар ва болалар яна қоронғилик қаърига кириб ғойиб бўлишди... Уларда айб йўқ эди. Бу воқеа газандалар уясининг шундоққина оғзида, буюк ғалаба арафасида рўй берган эди. Мана қирғинбарот урушнинг тугаганига 45 йилдан ошса ҳам унинг қалбдаги жароҳатлари, азобуқубатлари ёддан чиқмайди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор, уруш партия ва меҳнат фахрийси Анвар Сатторович Ботирбеков жанглардаги каби тинч меҳнат фронтида ҳам кўрсатган мардлиги, жасорати, фидокорлиги учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Қизил Юлдуз, иккита Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ, учта Ҳурмат Белгиси орденлари ҳамда қатор медаллар соҳибидир у. Муборак 75 ёшини нишонлаш арафасида эзгу ниятлар билан яшаётган Анвар Сатторович Ботирбеков босиб ўтган йўл, шубҳасиз, ибратлидир. Шифокорга ҳавас қилса арзийди.

Искандар РАҲМОН
СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси, СССР Қуролли Кучлари фахрийси.

СУРАТДА: жангчи-шифокор Анвар Ботирбеков.

СУРХОНДАРЁДА НАВОИЙ КУНЛАРИ

Биз яқиндагина Шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий таваллуд топган куннинг 550 йиллигини кенг нишонлаган эдик. Лекин тантаналар бу билан тугагани йўқ. Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримовнинг Фармони билан 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди ва у ана шу белги остида ўтмоқда.

Яқинда ўзбек адабиётининг буюк мумтози маънавий меъросини иложи борича кўпроқ одамларга етказиш мақсадида Термизга Тошкентдан делегация келди. Унинг таркибида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Адабиёт илмгоҳининг катта илмий ходими Суйма Ғаниева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Аброр Ҳидоятов номли театр актёри Маҳамадали Абдуқундузов, концерт бригадаси бор эди.

Меҳмонлар Ойбек номли дорилмуаллимда, Навоий номи билан аталувчи 11-мактабда, тиббиёт билим юртида, Жарқўрғон ва Ленин йўли районларида бўлишди.

Навоий кунлари энди Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида бўлади. Бундан ташқари апрель ойида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда Навоий кунлари бошланади. Улар яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва дўстлик ғояларига хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Мулоқот» муштарийларига!

Муштарийлар меҳрини қозонаётган «Мулоқот» жаридаси айни кунда 30 мингдан кўпроқ нусхада босилмоқда. Аммо кейинги вақтда муҳарририятга келаётган кўплаб мактубларда, телефон қўнғироқларида жамоатчилик жарида жуда кам нусхада нашр қилинаётгалиги ва дўконларга сотишга чиқарилмаётганлиги хусусида ташвишга тушишаётир.

Агарда «Мулоқот»ни ўз вақтида олишни истасангиз, яхшиси унга обуна бўлинг. Ҳар ойнинг 12 кунига қадар обуна ҳужжатлари расмийлаштирилса, келаси ойдан бошлаб «Мулоқот»нинг янги сонини олиш мумкин.

«Мулоқот»нинг индекси — 75401. Баҳоси 60 тийин, 3 ойга 1 сўм 80 тийин, 6 ойга эса 3 сўм 60 тийин.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИНИНГ

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991—1992 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пойабзалчилар, бюджетни ҳисобга олувчи ҳисобчилар, радиотелевизор тузатувчи усталар, тикувчилик ускуналарини тузатувчи усталар, эркаклар устки кийимини тикувчи усталар, соатсоз усталар. Рус тилида ўқийдиганлар учун иккита гуруҳга битта радио-телевизор тузатувчи усталар, битта гуруҳга тикувчи усталар қабул қилинади.

ТИКУВЧИЛИК БЎЛИМИГА 9—11 СИНФЛАРНИ БИТИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 2 ва 3 йил.

БОШҚА БЎЛИМЛАРГА 11-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома, район ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидан йўлланма, тиббий шаҳодатнома, ногиронлар учун ВТЭК шаҳодатномаси (пенсия ва имтиёзлар миқдори кўрсатилган ҳолда), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ўқувчилар ётоқхона ҳамда 4 маҳал овқат билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТ З МАЙДАН БОШЛАБ (якшанбадан ташқари) ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри — 113, Лутфий кўчаси, 47-уй (4, 9-трамвайлар; 2, 29, 33-автобусларнинг «Волгоград» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг

55-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991—1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали ошпазлар ва қандолатчилар тайёрлашга ихтисослашган.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ (11-синф)**ЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИЙДИЛАР:**

ҚАНДОЛАТЧИЛАР, ОШПАЗЛАР.

ҚАНДОЛАТЧИЛАР (кондитер) **касби бўйича ўқиш муддати — 8,5 ой.**

ОШПАЗЛИК касби бўйича ўқиш муддати — 8,5 ой.

Бу ўқувчилар 39 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Тўлиқсиз ўрта маълумотли (9-синф)лар махсус тажрибавий ошпазлик—қандолатчи мутахассислиги бўйича ўқийдилар. Бу гуруҳга истеъдодли, чуқур маълумотга эга, кимё, математика, физика; тил ва адабиёт фанидан суҳбат йўли билан фақат қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.

Шу гуруҳни тамомлаган ўқувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома ва мутахассислиги тўғрисида диплом берилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотли (9-синф) йигит-қизлар фақат ошпазлик бўйича ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 йилу 8,5 ой.

Ошпазлик ихтисосидаги гуруҳларга фақат касби бўйича шаҳодатнома берилади ва улар иссиқ таом ва кийимкечак билан таъминланадилар.

Билим юртига 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган, фақат Тошкент шаҳрида доимий яшовчи ёшлар қабул қилинадилар.

Билим юртини тамомлаганлар Тошкент шаҳрининг умумий овқатланиш корхоналарига ишга юбориладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Шунингдек, билим юрти қошида ишдан ажралмаган ҳолда ошпазлик-қандолатчилик касбини эгалловчилар учун 11 ойлик пуллик кечки гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб, машғулотлар ўқувчилар билан келишилган ҳолда олиб борилади. Бу гуруҳларни тугатган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш малкасини Тошкент шаҳрининг энг илғор умумий овқатланиш корхоналарида, «Тошкент», «Россия», «Шодлик», «Гулистон», «Ленинград», «Чилонзор», «Баҳор», «Дўстлик», «Самарқанд» каби ресторанларда, қандолатчилик ишлаб чиқариш корхоналарида ва ошхоналарда олиб борилади. Ўқувчилар ишлаб-чиқариш тажрибаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида маош билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирувчиларга Тошкент савдо ўрта махсус ўқув юртига — имтиёзли гуруҳларга кириш учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида волейбол, баскетбол, кураш, теннис каби спорт тўгараклари билан бир қаторда ўзбек халқ чолғу ансамбли ва бадиий тўгараклар мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: раҳбар (директор) номига ариза, таржимаи ҳол, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона расм, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ёки паспорт, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, район умумий овқатланиш бошқармасидан йўлланма, ҳарбий ҳужжат.

Манзилимиз: 700071, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Самарқанд-Дарбоза кўчаси, 60-уй (4, 9-трамвайлар; 7, 29, 36, 43«э», 77, 90-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефонлар: 78-26-27.

55-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ЯНГИ ЖАМИЯТ ТУЗИЛДИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон — Бельгия дўстлик жамияти ташкил этилди. Унинг таъсис этилиш маросимида республикамизнинг кўзга кўринган ёзувчилари, олимлари, журналистлари, турли корхоналар ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Жамоатчилик йиғинида янги жамиятнинг бошқаруви аъзолари сайландилар. Бу тадбирда Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати вазири И. М. Искандаров жамият раиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг бош муҳаррири А. Мелибоев раис ўринбосари этиб сайландилар.

Ўзбекистон ва Бельгия ўртасида яхши дўстлик алоқалари 1975 йилдан бошлаб давом этиб келмоқда. Ўшанда Европа қитъасининг марказида жойлашган бу мамлакатда Ўзбекистон тимсолида Совет Иттифоқи маданияти кунлари ва 1989 йилда эса яна шу диёрда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Кейинги катта дўстлик ва маданият тадбирида республикамиз вакиллари сафида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик рўзномасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳам қатнашган эди. Биз у билан суҳбатимизда янги жамиятнинг ташкил этилиши ва бу мамлакатга қилинган сафар хотиралари, навбатда, олиб бориладиган дўстлик алоқалари ҳақида гаплашдик.

— 1989 йилда ўтказилган тадбирда «Баҳор» ашула ва рақс давлат ансамбли, республика моделлари уйининг либослари намойиши, истеъдодли рассом Баҳодир Жалоловнинг шахсий кўргазмаси маданият тадбирларидан кенг ўрин олган эди. Ўша сафаримиз қадимий мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида бир неча кун мобайнида мазмунли ўтган эди. Шундан кейин Тошкент шаҳри жамоатчилигининг вакиллари ҳам Бельгиядаги Кортрейк шаҳрида бўлган «Шарқ-Ғарб» тижорат кунларида қатнашдилар. Ана шундай тадбирни келгуси йили пойтахтимизда ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда. Бу борди-келди алоқаларимизнинг яна бир муҳим жиҳати Кортрейк, Гринвилл ва Тошкент шаҳарлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик битимидир.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Бельгия ўртасида бевосита алоқалар ривожланиб боряпти. Ўтган икки йил ичида 7 та делегация кутиб олинди. Дўстлик жамияти орқали эса Бельгияга икки йилда юзга яқин киши бориб келди. Икки қадимий диёр ўртасида олиб борилаётган бундай алоқалар замирида амалга оширилиши лозим бўлган қатор режалар белгилаб чиқилмоқда. Шу йилнинг ўзида Кортрейк шаҳрида ўзбек мўйқалам усталари асарлари кўргазмалари намойиш этилади, бу шаҳардаги дўстларимиз ёрдамида АҚШнинг Гринвилль шаҳрида Тошкент либослар моделлари театри томошалари кўрсатилади. Бундан ташқари студентлар ва оилаларни халқ дипломатияси йўли билан бир-бирларига меҳмон бўлиб борди-келди ўтказишлари кўзда тутилди.

Бельгия ва унинг Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳри ўзининг ривожланган саноати билан жаҳонга танилган. Ўша шаҳарда тўқимачилик саноати кенг тараққий этган. Шунинг учун ҳам бу йил сентябрь ойида у ерда ўтказиладиган халқаро кўргазмада Ўзбекистон вакилларининг қатнашиш нияти бор. Айни чоғда Тошкентда Кортрейк кунлари бўлиб ўтади.

Жаҳондаги бир қатор тараққий этган мамлакатлар билан яқиндан дўстлик, иқтисодий ва маданий алоқаларни олиб боришимиз республикамиз иқтисодий қийинчиликларини енгиб ўтишда яқиндан ёрдам бериши мумкин. Ана шу мақсадни кўзлаб ҳам Бельгия билан ҳамкорлик алоқаларимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз лозим. Чунки, бу мамлакатда саноат ҳам, маданият ҳам ва умуман ҳамма соҳа ўз маромида жаҳон миқёсида тараққий этган. Бельгияликлардан кўп яхши нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Айниқса, серқуёш диёримизда етиштириладиган бебаҳо пахта толаси икки мамлакат саноатчиларининг кенг ҳамкорлик қилишига йўл очиб беради, деб умид боғласак бўлади.

А. ПЎЛАТОВ.



Кортрейк шаҳрининг кўриниши.

Зиновий РИБАК.

ТАНЛОВ

• Ҳажвий ҳикоя

Уни ҳамма ёқтирарди. Бизнинг дўкон тарихида бундай ҳурматга сазовор одам ҳеч қачон бўлмаганди. Албатта, ҳайратланарли эмас-у, аммо унинг шон-шуҳрати машҳур эстрада қўшиқчиси, хоккей дарвозабонидан ҳеч ким қолишмайди.

Бизнинг қаҳрамон — камтарин, аммо гўшт дўконининг катта сотувчиси. Кўп йиллик тажрибасиданми, ҳали меҳнаткашлар унинг устидан бирон марта ҳам шикоят қилишмаган. Ҳаммасига унинг ҳозиржавоблиги-ю, барчага иршайиб туриши сабаб. Бу эса унга ҳар доим муваффақият келтирарди.

— Илтимос, лахмроқ қилиб берсангиз. Агар мумкин бўлса...— сўради ундан харидор кампир.

— Илтимос деганингиз, нимаси? Мумкинми, деб сўрайсиз-а, Албатта мумкин, мамаша. Марҳамат, мана сизга айтганингиздай...

У кампирга лаҳм гўштни кўрсатди-да, тўрвасига бўлса қўлига тарози атрофидан нима илинса, шуни ташлаб, одатдагидек кўзига тик қараб, бир иршайиб қўйди. Кампир уни алқай-алқай, раҳматга кўмиб юборди.

— Ўғлим, менга ҳам яхшироқ қилиб берсанг. Шу... — кексароқ кишининг гапи оғзида қолди.

— Бу нима деганингиз? Албатта, отагинам. Сизга яхшироқ қилиб бермасам, мен нима учун бу ерда ишлаб юрибман, — оғзини қулоғига етказиб тиржайди у ва... «боплаб» узатди.

— Худо сенга соғлиқ берсин, болаларингнинг роҳатини кўр, — хурсанд бўлиб кетди кекса.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Бир куни сергак ва зийрак харидорлардан бири бизнинг катта сотувчини гўшт ўрнига, эринмай тозаланган суяк солганида қўлга туширди.

Ҳақли эътирозга катта сотувчи қатъий жавоб берди:

— Бир минутга. Мени кечириб кўясиз-у, биринчидан, қанақасидан беришимни айтганингиз йўқ, иккинчидан эса, озиқ-овқат техникуми дарслигида (83-бетга қаранг) иликли суяк калорияси жиҳатидан аъло навли гўштдан ҳеч қолишмайди дейилган. Марҳамат, шундай қимматбаҳо суяк сизга ёқмаса, хоҳлаган гўштингизга алмаштириб беришим мумкин.

Ўша заҳотиёқ навбатда турганлар ғимирлаб қолишди: «Мен оламан ўша суякни». «Менга ҳам ўшанақасидан берасиз!».

— Э-э, йўқ, — шаштидан тушди зийрак харидор, — аввал менга қўйилди бу суяк, бу — менинг насибам. Марҳамат қилиб, ўзим ола қоламан.

Ажойиб кунлардан бирида, «ажойиб» десак қаттиқ адашган бўламиз, ғалати хабар бизни лол қолдирди: гўшт дўконининг катта сотувчиси пенсияга кетармиш. Бутунлай. Наҳотки, энди бизга яхши таниш бўлган унинг семиз танаси-ю, ҳар доим ишшайиб турадиган, ҳар қандай об-ҳавода ҳам сўраган пулингни чексиз муддатга қарзга берадиган катта сотувчини иш ўрнида қайта кўрмасак?

Уни пенсияга кузатиш катта маросимга айланиб кетди...

Дўкон раҳбарияти катта сотувчининг ўрнига нолойиқ одам келишининг олдини олиш учун қаҳрамонимиз лавозимига танлов эълон қилди.

Танлов ҳаққоний ўтиши учун нуфузли комиссия тузилди. Унинг составига шахсий машинаси, данғиллама уйи бор, дала ҳовлисига эга шаҳар дўконлари сотувчилари қабул қилинди. Қўшни маҳаллада жойлашган нон дўкони ёш сотувчиси (тўрт хонали кооператив уйи ва «Волга» автомашинаси бор) ҳам аранг комиссия аъзолигига кириб олди. Комиссия ўз ишини ҳар куни хизмат вақтидан сўнг олиб борар, дўкон атрофида эса одамлар тўп-тўп бўлиб йиғилишиб, номзодларни муҳокама қилишарди.

Ҳар бир номзод ўта синчковлик ва масъулият билан танловдан ўтказилди.

— Маълумотингиз?

— Филфакни тугатганман...

— Маошингиз?

— Юз қирқ.

— Ахир бизда, гўшт дўконининг катта сотувчиси юз ўн олади-ку.

— Ҳа-я,... Лекин... сизларнинг маошингиз бошқачароқда...

— Яхши жавоб эмас. Ўйлаб кўриш керак. Навбатдаги кирсин.

Навбатдагиси фан номзоди, доцент экан.

— Ўртоқ доцент, гўштга навбатни камайтириш учун нима қилиш керак? — қатъий сўради директор.

— Навбатни йўқ қилиш лозим! — шарт кесди доцент ҳам.

— Қойил. Яхши жавоб бўлди. Кейингиси...

Хуллас танлов комиссиясининг иши кундан-кунга қизиди. Охири ўрта ёшлардаги, матрос кийимидаги бир одам ғолиб деб топилди. Унинг жавоби ҳайъат аъзоларини лол қолдирди:

— Менга маош керак эмас, жамоат ишларига умримни бағишлайман, — деди у.

Ҳайъат раиси шарт ўрнидан турди-да, номзодни маҳкам қучоқлаб бағрига босди ва уч марта «чўлпиллатиб» ўпди.

Ҳаммаси яхши тугади, аммо... Ун маҳсулотлари бўлимининг кичик сотувчиси пилдираб келиб, раисга бир парча қоғоз тутқазди:

— Юқоридан...

Директор тик қотганича, жиноий ҳукмни ўқигандай овозда ўқиди:

— «Гастроном директорига. Зудлик билан. Гўшт маҳсулотлари миқдори камайганлиги сабабли дўконнинг гўшт маҳсулотлари бўлими қисқартирилди».

Б. ЭГАМҚУЛОВ таржимаси.

Футбол

БУРИЛИШ БЎЛСА АЖАБМАС

Мухлислар пахтакорчилар билан уч марта «мулоқот»да бўлишди. Мавсумни ўз майдонида бошлаган футболчиларимиз ўйинини кўргани келганлар сафи беҳисоб эди. Жумҳурият пойтахтининг йирик ўйингоҳи қарийб тўлаёзганди. Афсуски, Ўзбекистонинг турли вилоятлари, ҳатто қардош жумҳуриятлардан ташриф буюраётган ишқибозларнинг кўнгли тўлмади. Зотан, севимли жамоага астойдил мухлислик қилиш осонмас.

Нима бўлганда ҳам пахтакорчилар ўзимиз орзу қилганимиздек олий лига жамоалари билан ўйнашмоқда. Шунинг ўзи минглаб ишқибозларни кўринмас ипдай боғлаб турибди. Афсуски «Днепр» жамоаси билан Тошкентда ўтказилган учрашув вақтида мухлислик одобига риоя қилмаган айрим ишқибозлар қош қўяман деб, кўз чиқаришди, десак бўлади. Боиси, ўйинни бошқараётган ҳакамга шиша улоқтириш беш минг сўмлик жарима тўланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари ўйингоҳда яна шундай хатога йўл қўйилгундай бўлса, тўловни беш баробар кўпайиши кўзда тутилган. Қолаверса, пахтакорда маълум муддатга учрашувлар ўтказилиши ман этиб қўйилиши мумкин. Наҳотки шунга йўл қўйсак!

Ниҳоят пахтакорчилар мавсумдаги дастлабки ғалабага эришиб, ишқибозларни мамнун этишди. Улар қуйидаги тартибда майдонга тушдилар. Перескоков, Яркин, Муҳамедов, Қосимов, Денисов, Шарипов, Узоқов, Пятницкий, Огонесян, Шквирин, Бунтов (Ҳасанов). Пойтахт темирйўлчилари билан учрашувнинг биринчи қисмида дарвозалар дахлсиз қолди. Томонлар бир неча бор дарвозалар ёнида хавфли вазиятни юзага келтиришди. Лекин дарвозабонлар таҳликани бартараф этдилар. Ўйиннинг иккинчи қисмида эса ҳужумкорликка зўр берган майдон эгаларининг устунлиги кўзга ташланди. 63-минутда М. Қосимов бурчакдан тўп оширди. И. Шквирин тўпни бош билан дарвозага йўллади. Ҳисоб очилди. Шундан кейин пахтакорчилар ҳужумкорлик яхши ҳимоя, қабилида иш тутиб, ўйиннинг охиригача ғалабани сақлашди. «Пахтакор» биринчи ғалабадан кейин 4 очко билан бир поғона юқорига кўтарилди. Энди улар 21 апрель куни «Металлист» майдонида куч синашадилар.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ КУРИНИШИ

ЦСКА	6	0	0	17-5	12
Арарат	4	1	2	4-4	9
Шахтёр	2	5	0	6-3	9
Днепр	3	1	2	4-3	7
Торпедо	2	3	1	8-5	7
Металлист	2	1	3	5-8	5
Металлург	2	1	3	4-6	5
Черноморец	1	3	2	7-6	5
Динамо (К)	1	3	1	5-6	5
Помир	0	5	1	1-2	5
Спартак (М)	2	0	1	4-3	4
Динамо (Мн)	1	2	3	6-7	4
Локомотив	1	2	3	5-9	4
Динамо (М)	1	2	3	5-9	4
Пахтакор	1	2	2	4-5	4
Спартак (В)	0	3	2	4-8	3

Қолган ўйинлар: ЦСКА — «Черноморец» — 4:3, «Помир» — «Торпедо» (М) — 0:0, «Металлург» — «Шахтёр» — 0:0, «Арарат» — «Днепр» — 1:0, «Динамо» (К) — «Металлист» — 1:1, «Динамо» (М) — «Динамо» (Мн) — 1:1.

Ҳ. НОСИРОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ:

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 70. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12